

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида мамлакатимиздаги банк тизимининг ўрни катта. Тижорат банклари кредит операциялари банк даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади. Шу сабабли банк кредит портфелининг сифат даражасини барқарорлигини таъминлаш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Тижорат банклари кредит портфели сифатининг пасайиши уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади, чунки кредитлаш тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган фаолият тури ҳисобланади, муддати ўтган кредитларнинг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши банкнинг ликвидлигини кескин пасайишига олиб келади, тижорат банклари кредит портфелини самарали тарзда бошқариш хўжалик субъектларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Бугунги кунда Республикамизда иқтисодиётни ривожлантиришга йуналтирилаётган банк кредитлари ҳажмининг ошиши, банк кредитларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги мижозлар микдори кўпайиши ва банклар томонидан берилаётган кредитларни оқилона жойлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлаш банклар кредит портфели устидан доимий кузатиб бориш асосий иши деб талаб қилинмоқда.

Ўз навбатида, Президентимиз Ислом Каримовнинг “2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни энг муҳим устувор йўналишлари” га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: 2000 йилда банклар кредит

портфелидаги ички манбалар улуши 46 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 86 фоизга етди.

Мос равишда 2000 йилда банклар кредит портфелида ташки қарзлар улуши 54 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 14 фоизгача пасайди. Банклар кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитлар улуши барқарор суръатларда ўсиб, 2012 йил якунлари бўйича 79,1 фоизга етган.¹

2007-2012 йиллар давомида:

- Банк тизими жами капитали 4,2 баробарга ёки йилига ўртача 33 фоизга ошди;
- Активлар - 3,9 баробарга ёки йилига ўртача 31 фоизга ошди;
- Кредитлар - 4,3 баробарга ёки йилига ўртача 33,7 фоизга ошди.

Мудис ҳалқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи кетма-кет уч йил давомида (2010 йилдан бошлаб) “барқарор” деб баҳоланди. 28 та тижорат банкига “Мудис”, “Стандарт энд Пурс” ва “Фитч Рейтингс” халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” рейтинг баҳоси берилган.²

Шунингдек, тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар базасида янги ташкил этилган корхоналарни салохиятли инвесторларга сотиш ишлари самарали амалга оширилиб келинмоқда. 2009-2012 йиллар мобайнида тижорат банклари балансига жами 170 та корхона қабул қилинган;

- мазкур корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун 413,7 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди;

¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Т. : “Ўзбекистон” 2013й.

² <http://www.cbu.uz/> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

- “НБУ-Инвестмент”, “НБУ-Инвест Групп”, “Асака Инвестмент”, “Агро Инвест Рекавери” ва “ПСБ Индастриал Инвестмент” бошқарувчи компаниялари ташкил қилинди;

- фаолияти тўлиқ тикланган 122 та корхона янги инвесторларга сотилди;

2013 йил 1 май ҳолатига ушбу корхоналар томонидан:

- 2,0 трлн. сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди;
- 570 млн. АҚШ долл. миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди;
- 25 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.³

Иқдисодиётни модернизациялаш босқичида республикаимиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланилмаётганлиги, мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги баҳолаш тизимида сезиларли камчиликларнинг мавжудлиги тижорат банклари кредит сиёсатини тадқиқ қилишни, кредит сиёсати асосида кредитлаш жараёнини олиб бориш асосларини ўрганиш, кредит риски ва уни бошқариш, кредитлаш жараёнидаги бошқа мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари амалда қўллаган ҳолда банклар томонидан бериладиган кредитларнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутади. Ушбу ҳолатлар танланган мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади тижорат банклари кредит портфелини назарий ва амалий жихатдан ёритиб бериш, шунингдек кредит портфелини самарали бошқариш орқали банк рискларини камайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар **битирув малакавий ишининг вазифаларини** ташкил этади:

³ www.bpk.uz(Бозор.пул, кредит журналининг расмий сайти)

-Кредит портфели тушунчасини ва уни ташкил этишнинг назарий асосларини ўрганиш;

-Кредит портфелини ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

-Тижорат банклари кредит амалиётини таҳлил қилиш;

-Кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-Тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқариш усулларини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар бериш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.

Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш ва уни сифат жиҳатдан таҳлил этиш орқали кредит самарадорлигини оширишга эришиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ишнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Тижорат банкларининг кредит портфелини самарали бошқариш ва таҳлил қилиш ишнинг предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркиби: кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида ишнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларида кредит портфелини ташкил этишнинг назарий –ҳуқуқий асослари ва унинг аҳамияти кўриб чиқилган.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида тижорат банкларида кредит портфелини амалий ҳолатини таҳлили ҳамда кредит портфелини жорий ҳолатини сифат жиҳатдан таҳлили келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг учинчи бобда эса тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқариш усулларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида мавзу юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Тижорат банкларида кредит портфелини ташкил этишнинг назарий асослари ва унинг аҳамияти

Тижорат банкининг молиявий барқарорлиги кўп жихатдан унинг кредит операцияларининг самарадорлигига боғлиқ. Шу боисдан кредит операцияларини тўғри ташкил этиш асосида банкда фоизли даромадларнинг барқарор даражасига эришиш ва муаммоли ссудаларни кўпайишига йўл кўймаслик муҳим вазифалардан саналади.

Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл кўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банклари самарали фаолиятининг гаровидир.

Банк томонидан бажарилган барча кредит операциялар уларнинг кредит портфелида ўз аксини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишида асос бўлиши мумкин.

Бази муаллифларнинг тадқиқотларида бу тушунчани ва унинг моҳиятига берилган тарифларни учратиш мумкин. Масалан америкалик иқтисодчилар Крис Ж. Барлтон, Диана Мак Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади деб тарифлашади.

Н. Соколинская “кредит портфелини қисқа ва узоқ муддатли кредитлар йиғиндисидан иборат”⁴ деб таърифлайди. Бу таърифда асосий эътибор кредитнинг муддатига қаратилган бу ҳолат кредит портфелининг моҳиятини тўлиқ очиқ беролмайди. Чунки банк томонидан берилган кредитларнинг муддатининг белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиниши фақат кредит портфелининг сифатини аниқлашда муҳим омил бўлиши мумкин.

Абалкин Л.И, Панова Г.С, Лаврушин О.И, ва бошқа бир гуруҳ иқтисодчиларнинг фикрича тижорат банкларининг кредит портфели - бу кредитларнинг сифат ва таркиби бўйича туркумланишидир. Бу таърифда, бизнинг фикримизча кредит портфелининг моҳиятини очиқ беришга ижобий ёндашилган. Ижобийлиги шундаки, улар кредитларнинг сифат таркибига қараб маълум омилларни ҳисобга олган ҳолда туркумлаш зарурлигини таъкидлайдилар.

Демак кредит портфели - бу турли хил рискларга асосланган муайян мезонларга қараб тукумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

Тижорат банклари кредит портфелини шакллантириш ва сифатини оширишнинг алоҳида назарий ва амалий масалалари хорижлик бир қатор таниқли иқтисодчилар, жумладан, В. Усоскин ўзининг “Замонавий тижорат банки” номли монографиясида тижорат банки кредит портфелининг сифат даражасини ошириш учун мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

О.Лаврушин, Г.Пановалар тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишда асосий эътибор кредитларнинг даромадлилик даражасини барқарорлигини таъминлашга, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштиришга қаратадилар.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002 й. – 165б.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишнинг алоҳида жихатлари А.Боймуратов, Ш.Абдуллаева, С.Бержанов, О.Иминов, С.Норқобилов, Д.Саидовлар томонидан ўрганилган.

Ш.Абдуллаева тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискинни бошқаришни такомиллаштириш йўли билан кредит портфелининг сифатини ошириш мумкин деб ҳисоблайди⁵.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.Мак Нотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди.⁶ Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкнинг сотилиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим. Бу эса, мулкни доимий равишда қайта баҳолаб туришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, олимнинг мулкни даврий баҳолаш тўғрисидаги фикри республикамиз амалиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мулкларнинг жорий баҳосини тез-тез ўзгариш ҳолати мамлакатимизнинг хўжалик амалиёти учун хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида кредит портфелини шаклланиш жараёнини ва унга бозор муносабатларига ўтиш жараёнларининг таъсирини илмий асосда ўрганиш мамлакатимиз банк тизими учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, биринчидан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун зарур бўлган инвестицион харажатларни молиялаштиришда банк кредитлари муҳим манба вазифасини бажаради,

⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002 й. – 304б.

⁶ Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.-ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 2001.- с.75

иккинчидан аҳолининг ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга жалб этиб уларни иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаштиришга йуналтириш инфляцион жараёнларни жиловлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан берилган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Тижорат банклари ўз мижозларига турли кўринишдаги кредитлар бериши мумкин. Авваламбор, қарз олувчиларнинг асосий группалари бўйича:

- хўжаликка;
- аҳолига;
- ҳукуматнинг давлат органларига берилган кредитларга бўлинади.

Йўналиши бўйича кредитлар қуйидагича:

- истеъмол;
- саноат;
- савдо;
- қишлоқ хўжалиги;
- инвестицион;
- бюджет.

Кредитлар фойдаланиш муддати бўйича:

- қисқа муддатли;
- узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Миқдори бўйича кредитлар:

- йирик;
- ўрта;
- майда кредитларга бўлинади.

Таъминланганлик бўйича:

- таъминланмаган (ишонч) кредитлар;

- таъминланган кредитларга бўлинади.

Ўз навбатида таъминланган кредитлар таъминланиш характериға кўра:

- гаровли;
- кафолатланган;
- суғурталанган кредитларға бўлинади.

Банк кредитлари мақсад бўйича:

- ипотека ссудалари;
- молиявий ташкилотларға берилган ссудалар;
- қишлоқ хўжалиғига берилган ссудалар;
- савдо ва саноат корхоналарига берилган ссудалар;
- жисмоний шахсларға берилган ссудалар;
- бошқа ссудалар;
- лизинг молиялаштириш.

Бунда банк ўзининг қайси тармоққа кўпроқ эътибор беришиға қараб, у ёки бу кредит улуши кредит портфелида кўпроқ бўлади. Бу унинг кредит сиёсатидан келиб чиқади.

Банк актив операциялари ичида кредит асосий ўринни эгаллайди ва банк даромадининг катта қисми хам айни шу кредит операциялари орқали келади. Шу сабабли банк кредит портфелининг қандай шаклланиши банк фаолиятиға бевосита таъсир кўрсатади. Банк яхши кредит портфелини шакллантириш ниятида экан, кредитлаш жараёнини тўғри ташкил қилиши зарур бўлади.

Биз юқорида турли кўринишдаги кредитларни кўрдик, бироқ конкрет банкларнинг кредит портфели структураси ўзига хос хусусиятларға эга бўлади.

Банк кредит портфели структурасини аниқловчи муҳим факторлардан бири - бу айни банк хизмат кўрсатадиган бозор секторининг спецификасидир.

Ҳар бир банк ўз бозор сигменти миқдорларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиши керак. Масалан, шаҳар чеккасидаги уйлар ва кичик магазинларга эга районда жойлашган бўлса, асосан уй бинолари гарови остида, ипотека кредита, автомобил, уй жиҳозлари, умуман уй хўжалигини юритиш учун харажатларни қоплашга кредитлар беради, аксинча катта шаҳарларда, офислар, катта универмаглар, саноат корхоналари орасидаги банклар одатда ўз кредитларини асосан тижорат фирмаларига товар материаллар запасларини тўлдиришга, жиҳозлар сотиб олиш ва иш ҳақиға йўналтирадидлар.

Албатта, банклар кредит бераётганларида ўзлари хизмат кўрсатаётган регионларга тўлиқ бўлиб бермайдидлар. Керакли кредит маблағларини тўлиқ ёки қисман улар бошқа банклардан олишлари мумкин, бу ҳолат агар банк хизмат қилаётган регион иқтисодий қийинчиликларга дуч келса, зарар кўриш рискинни камайтиради.

Банк ўлчами ҳам унинг кредит портфелига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади, айниқса бир қарз олувчига бериладиган кредитнинг максимал миқдорини белгиловчи капитали ҳажми муҳимдир. Катта банклар одатда улгуржи кредиторлар ҳисобланадидлар, улар ўзларининг кредитларининг асосий миқдорини корпорациялар ва бошқа фирмаларга берадидлар. Кичикроқ банклар эса фуқароларга кичик ссудалар, уй гарови остида хусусий шахсларга кредитлар, ферма ва ранчо эгаларига кичик кредитлар шаклидаги яққа холдаги кредитларни беришга йўналтирилганлар.

Бундан ташқари кредит портфели таркибига кредитлашнинг турли кўринишлари соҳасида менежерларнинг тажриба ва малакаси, ҳамда ўз кредит инспекторларига маълум кўринишдаги кредитларни бермаслиги кўрсатилган банк кредит сиёсати ҳам таъсир кўрсатади.

Кредит портфелининг таркиби маълум даражада банкнинг кутилаётган даромадига ҳам боғлиқ, чунки банк одатда кутилаётган даромади максимал бўлган ссудаларни беришни маъқул кўради.

Тижорат банклари сифатли кредит портфелини шакллантириш учун авваламбор кредитлаш жараёнини тўғри ва сифатли олиб боришлари зарур.

Кредитлаш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлади:

- Кредит аризалари портфелини шакллантириш;
- Потенциал мижозлар билан суҳбатлар ўтказиш;
- Кредит беришнинг мақбуллиги ва уни бериш шакли тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Кредит ишини расмийлаштириш;
- Мижоз билан у ссуда олгандан кейин ҳам ишлаш;
- Кредитнинг фоизлар билан қайтарилиши ва кредит ишининг ёпилиши.

- Кредитлаш жараёни бир нечта принциплар орқали амалга оширилади:

- мақсадлилиқ;
- таъминганлилиқ;
- муддатлилиги;
- қайтарилиши;
- тўловлилиқ.

Қайтарилиш тамойили кредитнинг моҳиятини ифодалайди. Банк томонидан мижозларга бериладиган ҳар бир сўм пул маблағлари яна банкка қайтарилиши лозим. Қайтариб беришнинг иқтисодий асоси сифатида маблағларнинг узлуксиз доиравий айланиши ҳисобланади.

Кредит иқтисодий муносабатларни белгиланган тизими сифатида бошқа пулли муносабатлардан фарқ қилади, яъни пулнинг харажати қайтариб бериш шарти билан амалга ошади.

Кредитнинг муддатлилиқ тамойили қайтаришлиқ тамойили билан узвий боғлиқ бўлади. Кредитлашнинг муддатлилиги икки томонлама характерга эга. Биринчидан, кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишлигини билдирибгина қолмай, балки бу қайтарилишини аниқ муддатларини белгилашни ҳам тақозо этади. Кредитнинг муддати, бир томондан фойдаланишга берилаётган кредит ресурсларининг бўш туриш муддати билан белгиланса, иккинчи томондан қарз олувчининг маблағларга бўлган вақтинчалиқ эҳтиёжларининг муддатига боғлиқ. Кредитлаштириш муддатлилигининг бу икки томонлама характери инобатга олинганда вақтинчалиқ фойдаланишга берилган маблағларни тўлиқ ва белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш мумкин.

Кредитнинг кейинги тамойили - кредитнинг таъминланганлигидир. Бунда ссуданинг таъминланганлиги кредит берилишига асосан қарз олувчининг мулки, моддий бойликлар захиралари, кўчмас мулки ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига мос келиши билан белгиланади. Бу ўз навбатида кредитни ўз муддатида қайтарилишига кафолат берилишини тасдиқлайди. Ссуданинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун кредит шартномасига кўра қарз олувчи гаровга маълум қийматга эга бўлган мол - мулкни қўйиб расмийлаштирадilar. Агар қарз олувчи кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, у ҳолда гаровни сотиш чоралари кўрилади. Кредит миқдори гаровга қўйилган мулк қийматининг 50 фоизидан 80 фоизигача миқдорида берилади.

Кредитнинг бош тамойили - мақсадга йўналтиришдир. Бунда аниқ хўжалиқ жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитни мақсадли йўналтириш тамойили қарз олувчи зиммасига пул маблағларини

фақат режада кўрсатилган мақсадлар учун сарфланишни кўзда тутди. Кредитлар бизнес режа асосида берилди. Кредитни мақсадли йуналтириш кредит миқдорини тартибга солиш усулларига боғлиқ бўлади. Бу усуллар:

- лимитлаштириш;
- назорат рақамларини белгилаш;
- режа бўйича кредит миқдорини аниқлаш кабилардан иборат.

Кредитнинг мақсадли йуналтиришини таъминлаш унинг ўз вақтида қайтарилиши учун реал шарт - шароитларни яратиш беради. Бу тамойилга риоя қилиш банк муассасалари асосида назорат қилинади. Берилган кредит қарз олувчи томонидан бошқа мақсадга ишлатилган бўлинса, у ҳолда белгиланган тартибга мувофиқ кредит муддатидан илгари қайтариш олинади.

Кредитлашнинг бешинчи тамойили - олинган кредит учун ҳақ тўлаш ёки фоизликдир. Бунда шартномага кўра кредит олувчи корхона ўз эҳтиёжи учун кредитга олган пул маблағларидан вақтинча фойдаланганлиги учун банкка белгиланган ҳақни тўлаши лозим. Банкнинг фоиз ставкаси бу кредитнинг нархидир. Бу тамойил қарзга олинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва кредитни қайтариш муддатини тезлаштириш мақсадида корхона иқтисодий таъсир кўрсатиш воситасидир.

Юқорида кўриб чиқилган тамойил асосида кредит олмақчи бўлган мижозларга кредит пакети тайёрланади ва кредит олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини таҳлил қилинади.

Кредит пакетини тайёрлаш ва уни таҳлил қилиш жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

Бунда қарз олувчи мижоз раҳбарининг мутахасислиги, ишбилармонлик қобилияти, хўжаликнинг бошқа хўжаликлар билан муносабатлари ва сўралаётган кредитни ишлатишдан мақсад каби ҳолатлари аниқланади.

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва баҳолаш. Бу билан сўралган кредитнинг таваккалчилик даражасини аниқлаш, унинг қайтарилмаслик имкониятлари ва бошқа молиявий ҳолатлар аниқланади.

Сўралаётган кредитнинг баҳосини аниқлаш (фоиз ўрнатиш)

Кредит шартномасини тайёрлаш ва унинг кучга киритилиши.

Кредит олиш учун қарз олувчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини қуйидаги мазмунда таҳлил қилиши лозим:

- ўз маҳсулотини сотиш бозори, унга талаб ва таклифни ўрганиш;
- кредит олиш учун асос бўлувчи товар моддий бойликларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш харажатлари ва товарларни реализация қилиш буйича шартномалар билан таъминланганлиги;
- кредитланадиган тадбирларнинг самарадорлиги;
- қарз олувчи ҳисобварағига пул маблағларининг келиб тушиш даврийлиги;
- кредит ва унга тегишли фоизларни тўлаш манбалари;
- кредит учун тўланиши мумкин бўлган фоиз ҳисоб китоби ва унинг даврийлиги;
- олдинги давр (йил, чорак, ой) ги молиявий хўжалик фаолиятининг респектив таҳлили;
- жорий давр учун бизнес режа.

Хўжалик субъекти кредит олиш учун таҳлилий ва хомчут маълумотларидан келиб чиққан ҳолда, кредит буюртмаси ва илтимосномасини тузади.

Илтимосномада кредит олиш зарурлиги, унинг самарадорлиги, қайтарилиши, тўлови ва таъминланиши, шунингдек, ўз капитали таркиби ва унинг кредитланаётган тадбирдаги иштироқи батафсил баён қилинади.

Илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- а) кредит буюртмаси;
- б) пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;
- в) охирги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва тўлов муддати 90 кундан ошган қарзларни қиёслаш далолатномалар талқини билан бирга;
- г) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- д) айланма маблағларини айланиши ҳисоб - китоби;

Кредит ходими юқорида қайд этилган хужжатларни олгач, уч кунлик муддатда қуйидагиларни аниқлайди:

- субъектларнинг кредит ва тўлов қобилияти, унинг рейтинг баҳосини, шунингдек кредит мақсадларининг устав фаолиятига мувофиқлиги, кредит турининг аниқлайди, бунда у мажбурий тартибда ликвидлилик, қоплаш, мухторият, қарз маблағларини жалб қилиш, фойда ва айланма маблағлари айланиши коэффициентларидан фойдаланади.

Кредит пакетини таҳлил қилишда нафақат кредит битимларининг турли соҳаларига, балки раҳбарнинг шахсий сифатларига ҳам баҳо берилади.

Тақдим этилган хужжатларни батафсил ўрганиб чиққач, банк ходими кредит битимини тузиш учун хулосани расмийлаштиради. Бунда қуйидагилар кўрсатилади:

- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори;
- кредит қайтарилишининг таъминланиши;
- фоиз миқдори ва бошқалар.

Умуман олганда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ликвидлик коэффициенти.
- қоплаш коэффициенти.

- мухторлик коэффиценти ва кўшимча кўрсаткичлардан, айланма маблағлар ҳолати ва айланиш коэффицентлари аниқланади.

Ликвидлилик ва қоплаш коэффицентлари қарзларни тўлаш учун ўз мулкини пулга айлантириш имконияти ҳақида далолат беради.

Ликвидлик коэффиценти.

пул маблағлари + тез сотиладиган талаблар

қисқа муддатли қарз мажбуриятлари

Қоплаш коэффиценти.

1,2,3 - гуруҳ ликвид маблағлари к;к=;

қисқа муддатли қарз мажбуриятлари

Айланма маблағларнинг айланиши коэффиценти (Қоб) жорий активларнинг айланиш тезлиги ва активларга тезлигини характерлаб, у маълум давр ичида айланма маблағлари неча марта айланганлигини ифодалайди:

Реализация қилинган маҳсулот хажми

Қоб= _____;

айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиғи

Қоб ни ҳисоблаш айланишини прогнозлаш ва кредитлаш муддатини аниқлашга имкон яратади.

Шунингдек, айланма маблағларнинг кунларда айланишини ҳам ҳисоблаш мумкин, бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг бир марта (П-Т-И/Ч-Т-П) айланиши учун неча кун кетишини кўрсатади:

айланма маблағлар ўрт.қолдиғи x 360

Кайт= _____ ;

реализация ҳажми

Айланма маблағлар айланишига қанча кам кун кетса, корхонанинг фойда олиши, бинобарин кредитни банкка тўлаши шунча тез амалга оширилади.

Молиявий мустақиллик ёки мухторлик коэффиценти:

$$M_k = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари}}{\text{баланс жами суммаси}} \times 100\%$$

Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Кредит бериш буйича синфларга ажратишда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади:

1-жадвал

Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларига қараб миқдорларни синфларга ажратиш бўйича талаблар⁷

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
Қоплаш коэф.(Кк)	$K_k > 2,0$	$2 > K_k > 1,0$	$1,0 > K_k$
Ликвидлилик коэф (Лк)	$K_l > 1,5$	$1,5 > K_l > 1,0$	$1,0 > K_l$
Мухторлик коэф (Мк)	$K_m > 60\%$	$60\% > K_m > 30$	$30\% > K_m$

⁷ Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009

Юқоридаги кўрсаткичлар буйича I синфга кирувчи мижозлар умумий талаблар асосида кредитланиши мумкин бўлганда уларга ишонч кредитлари ёки бошқа энгилликлар берилиши мумкин.

Агар мижоз II синфга таълуқли бўлса ва унинг қўшимча кўрсаткичлари ижобий бўлса, унга умумий асосда кредит берилиши, баъзи энгилликлар қўлланиши мумкин. Агар қўшимча кўрсаткичлари бўйича камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни туғрилаш учун чоралар кўришни талаб қилиш, гаровни мустахкамлаш, фоиз ставкаларини ошириш, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин.

III - синфга кирувчи мижозлар аниқ гаров ва юқори фоиз ставка асосида кредит олади.

Қисқача айтганда, кредитлаш жараёни юқоридагича ташкил этиш, банк рискларининг олди бирмунча олиниб, сифатли кредит портфели шаклланишига хизмат қилади.

Турли чет эл мамлакатларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга турлича ёндашилади. Масалан АҚШда потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва ўз навбатида кредит рискинни минималлаштириш учун «Олти Си» усулидан фодаланилади:

- Мижоз характери (character)
- Қарз олиш қобилияти (capacity)
- Пул маблағлари (cash)
- Таъминот (collateral)
- Шартлар (conditions)
- Назорат (control)

Буюк Британияда ҳам «Parts» номли қарз олувчи қобилиятини таҳлил қилиш кенг тарқалган бўлиб унда:

- Кредитнинг мақсади – Purpose
- Ссуданинг ҳажми – Amount
- Қарзни тўлаш - Repayment
- Муддати – Term
- Ссуданинг таъминланганлиги - Security кабилар тахлил килинади.

Кредитга лаёқатлиликини аниқлаш кредитлаш жараёнининг асосий томони ҳисобланади. Шу сабабли ҳам юқоридаги усулларни аниқ ва тўғри амалга ошириш кредитларнинг сифатини яхшилайти.

Тижорат банкларнинг операциялари унинг актив операциялари ичида асосий ўринни эгаллайти, шунинг учун банк кредит портфелининг сифати унинг фаолияти натижаларини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар қандай банкнинг кредит портфели бошқариб турилади, чунки кредит портфели сифати, бошқа банк хизматлари сифатига нисбатан, рискни ва банк ишончилигини баҳолаш учун муҳимдир.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Тижорат банклари таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар, масалан, Миллий банк ва шунга ўхшаш банкларда қаттиқ валютада ҳам ифодаланиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида турли хил рисклар учраб туради. Лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ кредит rischi, ликвидлилиқ rischi ва фоиз rischi таъсир қилади. Тижорат банклари фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йуналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242 - сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йукотишлар бўйича тижорат банклари томонидан резервлар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қондаси»га (киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар) асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубхали» ва «умидсиз» кредитларга таснифланади.

Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- биринчи даражали таъминотга эга бўлган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тўлиқ таъминланган;
- таъминланмаган ссудаларга бўлинади.

Биринчи даражада таъминланган кредитлар гуруҳига тўлиқ таъминланган кредитлар киради. Улар қуйидагилар билан таъминланади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки розилиги билан биринчи синф хорижий банклари кафолати;
- эркин айирбошладиган валютадаги гаров;
- Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари кўринишидаги гаров;
- Стандартлаштирилган қимматбаҳо металллар қуйилмалари кўринишидаги гаров.

Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар гуруҳига қуйидагилар:

- мол-мулк гарови;
- қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров;
- бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати ва бошқалар киради.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла - тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ, банклар ўзларнинг кредит сиёсатига кўра миқдорларнинг таъминотини белгилашлари мумкин.

Ўз навбатида, тижорат банклари кредит портфели сифатини мунтазам таҳлил қилиб боришлари зарур. Бу кредитларни бошқариш, кредит портфели сифатини яхшилаш, шунинг натижаси улароқ банк фойдасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Тижорат банкларида кредит портфелини ташкил этишни ҳуқуқий асослари

Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонун., Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни., Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни., Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябр “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябр “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни., Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонуни., Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни

кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган 242-сонли “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3047-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПК,-1438-сонли Карори билан тасдиқланган “2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-56 сонли, 2007 йил 12 июлдаги “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги “Иқтисодиётни кредитлаш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 349-сонли Қарори, банк назорати бўйича Базель Қўмитасининг баҳолаш тамойиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралдаги “Тижорат банклари кредит сиёсатига кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 429-сонли, “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги 432-сонли, 2003 йил 11 октябрдаги “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги 25/7-сонли,

1998 йил 2 ноябрдаги “Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги 424-сонли Низомларига ва ҳар бир тижорат банкининг Бошқарув Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қонун ҳужжатларига зид келмайдиган қоидаларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2000 - 2003 йилларда ислоҳ қилиш Дастури қабул қилинди. Унда тижорат банкларининг воситачилик ролини фаоллаштириш мақсад қилиб қўйилган. Ушбу қарордан кўзланган мақсад банкларнинг кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқилиши ва банкларнинг кредитлаш жараёнини эркинлаштириш масаласи кўрсатилган эди. Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида 2000 йилдан бошлаб кредит сиёсати ишлаб чиқилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги 429 – Низомга асосан “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнидаги юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредит портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир”.

“Кредит сиёсати” ҳужжатли кредитларни бошқариш жараёнининг пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришнинг самарали йўлларидан ҳисобланади. Ушбу ҳужжат банкнинг кредитлаштириш фаолиятининг андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрлардан кредит бериш, қарзларни ҳужжатлаштириш ва бошқариш бўйича маъсулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари лозим. Кредит сиёсати

банк бошқаруви аъзолари, конун чиқарувчи, стратегик қарор қабул қилувчи шахсларнинг хатти-харакатини белгилаб беради ҳамда ички ва ташқи аудиторларга банкда кредитларни бошқариш даражасининг ўтиш даврида, молиявий бозорларга давлатнинг таъсири камайган шароитда, тижорат банклари ички сиёсатини ўзлари ишлаб чиқишни кескин фаоллаштиришлари лозим.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ, объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувида кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларнинг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари – кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Банк кредит сиёсатининг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- Банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш (кредит турлари, қоплаш муддатлари, миқдори ва сифати) билан боғлиқ масалалар;

- Банк раисининг кредит фаолияти учун жавоб берадиган ўринбосари, кредит кўмитаси раиси ва кредит инспекторига юкланган ваколатлар рўйхати (энг кўп кредит суммаси ва турлари);

- Банкнинг кредит бериш соҳасидаги ҳуқуқлари ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлари;

- Кредит аризалари бўйича текшириш ва қарор чиқариш тизими баёни;

- Кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида албатта сақланадиган ҳужжатлар рўйхати (қарздорнинг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров, кафолат ҳақида шартнома ва ҳоказолар);

- Кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида батафсил маълумотлар;

- Кредитнинг таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;

- Барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;

- Энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (яъни кредит суммалари ва банк ялпи активларининг энг юқори нисбати);

- Банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;

- Муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари кўрсатилади;

Тижорат банклари кредит сиёсатининг бош мақсади банклар томонидан мижозларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш, кредитлаш

жараёнида амалдаги қонунчилик талаблари ва меъёрларига риоя этиш, кредитлаш операциялари ва тартиботларининг яхлитлигини кафолатлаш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш, банк ликвидлилигини яхшилаш ва кредитлаш жараёнини тўғри ҳамда ўрнатилган тартибда амалга ошириш, банк фаолиятининг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлашдир.

Тижорат банки кредит сиёсатини амалиётга жорий этиш орқали (одатда) қуйидагиларга эришиш режалаштирилади:

-иқтисодий жиҳатдан келажаги порлоқ, молиявий жиҳатдан ўзини – ўзи қоплаб фойда келтирувчи ҳамда банкнинг стратегик мақсадларига мос келувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар бериш;

-банк миқозлари билан узоқ муддатли ўзаро фойда келтирувчи муносабатларни ўрнатиш;

-банк амалиётида кредитлашнинг ўз-ўзини оқламаган турлари ва усуллари ҳамда муваққат ҳарактерга эга ва келажаги йўқ турларини амалда жорий этмаслик;

-юқори сифатли банк кредит портфелини шакллантирилишини таъминловчи малакали кредит ходимларини тайёрлаш.

Тижорат банки кредит сиёсатининг асосий йўналишлари - бу биринчи навбатда у хизмат кўрсатадиган халқ хўжалиги тармоғида фаолият кўрсатувчи ташкилот, корхоналар, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, жумладан кичик бизнес субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг барча қатламларига ҳисоб-кредит хизматларини кўрсатиш, кредитлаш бўйича янги банк маҳсулотларини жорий этишдан иборатдир.

Тижорат банки кредит сиёсати стратегиясининг (умумлаштирилган ҳолда) асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

а) тижорат банки фаолиятининг бош мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг макро ва микро-иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ ва узвий боғланган равишда:

- корпоратив мижозлар билан ишлашни кучайтириш, жумладан молиявий ва ишчанлик нуқтаи назаридан юқори обрў ва эътиборга эга бўлган мижозларни банкка жалб этиш ва улар билан узок муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурларини амалга оширишда иқтисодиёт тармоқларига максимал даражада ёрдам бериб, истеъмол бозорини кенгайтириш;

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратиш;

- давлат буюртмалари асосида ўта муҳим вазифаларни бажараётган ривожланиши истиқболли корхоналарга иш ҳақини тўлаш учун 45 кунгача бўлган муддатга ҳамда яқин келажакда (30-45 кун ичида) реал пул оқимларига эга хўжалик субъектларига қисқа муддатли кредитлар ажратиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги иш жойларини ташкил этиш, замонавий техника ва технологияларни сотиб олиш жараёнларини кредитлаш;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдиришга қаратилган кредитларни ажратиш;

- аҳолини истеъмол моллари ва маҳсулотлари билан таъминловчи савдо корхоналарининг қисқа муддатли кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш;

- ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда яқка тартибда уй-жой қурилиши, реконструкция қилишни рағбатлантириш мақсадида фуқароларга узок муддатли кредитлар ажратиш;

- кадрларни ривожлантириш миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда аҳолига таълим кредитларини ажратиш;

- қисқа ва узоқ муддатли истеъмол кредитлари кўламини кенгайтириш;
- лизинг амалиётларини кенг тадбиқ этиш;
- миждозлар ўртасида дебиторлик-кредиторлик қарзларни камайтириш мақсадида факторинг амалиётлари ва мақсадли кредитлар ажратиш кўламини янада ҳам кенгайтириш⁸.

б) банк кредит портфели сифатини яхшилаш ва ликвидлигини таъминлаш мақсадида:

- кредит портфелида муаммоли кредитлар улушини қисқартириш;
- муаммоли кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳираларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда ташкил этиш;

- автоматлаштирилган маълумотлар базасини яратиш ва кунлик мониторинг ўрнатиш орқали берилган кредитлар устидан назоратни кучайтириш ва қайтарилишига тўлиқ эришган ҳолда банк кредит портфели сифатини ошириб бориш;

- бевосита банкнинг ўз маблағлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ажратилаётган кредитларни бериш жараёнида миждозларнинг кредитга лаёқатлилик даражасининг мукамал таҳлили ва аниқ ҳисоб-китоби асосида юқори даромад келтирувчи сармояларга жойлаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга берилаётган турли муддатли кредитлар ва махсус дастурларни молиялаштириш билан боғлиқ расмий ҳужжатларнинг амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш.

в) банкнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш ва кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар улушини мутаносиб миқдорда ўсишини таъминлаш ҳамда узоқ муддатли кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратиш;

⁸ ОАТБ “Агробанк” 2013 йил кредит сиёсати.

г) кредитлаш жараёнида асосий эътиборни иқтисодийнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан янгилаш, замонавий хорижий технологиялар ва ускуналарни жалб этишга йўналтирилган узоқ муддатли, юқори самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш;

д) ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор бойитиш ва янги иш уринларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ажратилаётган кредит ресурслари ва микрокредитлар ҳажмини кўпайтириш;

е) зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларнинг негизида янги корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда салоҳиятли инвесторларга сотиш жараёнини кенгайтириб бориш.

Тижорат банки кредит сиёсатининг навбатдаги вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

- кредит субъектларини кредитлашнинг янги замонавий турлари ва усулларини амалиётга жорий этиш;

- ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи кичик бизнес вакиллари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларини юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш мақсадида банк фойдасидан 20 фоизгача маблағ ажратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар кўламини кенгайтириш;

- микрокредитлар беришда мижозларнинг кредит ҳужжатларини расмийлаштириш, гаров билан таъминланишини ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- узум, мева-сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи корхоналарга кредит ажратиш;

- картошка, гуруч, тухум, балиқ, товук, мол ва қўй гўштлири етиштириб берувчи ташкилотларга кредит бериш;

- хорижий молия институтларининг кредит линияларини жалб этиш.

Сиёсатнинг стратегияси қуйидагилардан иборат:

а) юқори сифатли активларни шакллантириш ва даромадлилик ҳамда ликвидлиликнинг мунтазам, мақсадли даражасини таъминлаш имконини берадиган таваккалчиликка йўл қўйиш ва уни мақсадга мувофиқ бошқариш;

б) юқори сифатли кредит портфели ва уни самарали бошқаришни таъминлай оладиган малакали кредит ходимлари жамоасини шакллантириш;

в) банкнинг стратегик мақсадларига мос келадиган, иқтисодий жиҳатдан истиқболли, рентабелли лойиҳаларни молиялаштиришга қисқа ва узоқ муддатли ссудалар бериш;

г) банк маҳсуллари рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредит ресурсларини жалб этиш, жалб этилган ресурслар муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлаш жараёнини амалга ошириш;

д) банк мижозлари билан узоқ муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашиш;

е) кредит фаолиятини амалга оширишда амалдаги қонунчилик ва Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга риоя этиш;

ё) кредитлашни мазкур соҳа билан боғлиқ банкнинг бошқа ички сиёсат ва тартиботларига асосланган ҳолда амалга ошириш;

ж) ривожланиб бораётган иқтисодиётнинг шаклланаётган талабларини қондиришга қодир бўлган, мослашувчан банк хизматлари ташкил этилишини таъминлаш.

Банк кредит сиёсатининг асосий элементлари:

- кредит сиёсати;

- депозит сиёсати;

- инвестиция сиёсати;

- фоииз сиёсати;
- валюта сиёсати;
- ликвидликни бошқариш;
- касса ҳисоб хизматини ташкил қилиш сиёсати;
- рискларни бошқариш сиёсати;
- фойда ва рентабелликни бошқариш сиёсати;
- кадрларни бошқариш сиёсати.

Кредит сиёсатининг асосий тамойиллари:

1. Умумий:

- илмий асосланганлик;
- оптималлик;
- самарадорлик;
- элементларнинг бир бири билан боғлиқлиги.

2. Хусусий:

- даромадлилик;
- фойдалилик;
- хавфсизлик;
- ишончлилик.

Кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар мазмуни.

Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси

Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш

- Кредит турлари
- Кредитларнинг тўпланиши
- Кредитларни тўлаш
- Қарздорларга доир молиявий ахборот
- Гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар
- Кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар

- Фоиз ставкалари
- Боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар
- Кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари (балансдан ташқари моддалар)
- Кредит портфелини аудит қилиш
- Банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботлар

Ҳар қандай тижорат кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсишини, риск юқори бўлган операцияларнинг одилona диверсификациясини, ўрта ва узок муддатли кредит қўйилмалар ҳажмини кескин кўпайтриш ва улрнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсати инвестицион кредитлар салмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос “кредит тили”ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаравонлигини оширади.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкининг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- банк ўрни ва обрўсини молиявий-борқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ АМАЛИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ

2.1 Тижорат банкларида кредит портфелининг таркиби ва унинг таҳлили

Мамлакатимизни банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар банк фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш ва улар фаолиятидаги юзага келадиган рискларни камайтиришни талаб қилади. Мамлакатимиз банк тизимини шаклланиши ва ривожланиши мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари асосида босқичма - босқич амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда олиб борилаётган чора – тадбирлар натижасида банк-молия тизими ликвидлиги янада мустаҳкамланмоқда ва унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредит билан таъминлаш уларнинг асосий вазифаси бўлиб, ҳар бир тижорат банки иқтисодиёт тармоқларини кредит ресурслари билан таъминлашда ўз ўрнига эга.


Тижорат банкларнинг даромадлари ва уларнинг манбаларини банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан туркумлаш мумкин. Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади.

Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир тури банк ушбу операцияларда қандай вазиятда қатнашишига қараб ажралиб туради. Юқоридаги фаолият

турларининг баъзилари актив операцияларга кирса, баъзилари эса пасcив операцияларга киради. Даромадлар хар бир фаолият туридан турлича келиши мумкин. Актив операциялардан келадиган даромад умумий даромадларнинг асосий салмоғини ташкил этади.

Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит сертификатлари 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 445,6 млрд. сўмни ҳамда инвесторлар ўртасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари 258,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ушбу тадбирлар, ўз навбатида, банкларнинг актив операциялар ҳажмини, жумладан, кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини ошишига замин яратди. Тижорат банкларининг жами активлари йил давомида 30,2 фоизга ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 35,7 трлн. сўмга етди ва бу қуйидаги расмда келтирилади.



1-расм. Тижорат банкларининг жами активлари қолдиғини динамикаси (млрд.сўм) ⁹

⁹ Марказий банк маълумотлари 2012 йил якунлари бўйича.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларига ажратилган кредитлар ҳажми қуйидаги расмда келтирилади.




2-расм. Иқтисодиёт тармоқларига ажратилган кредитлар динамикаси¹⁰

Расм маълумотлари таҳлил этилганда, банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса, 76,8 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 30,7 фоизга ошди.

Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Қуйидаги расмда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг инвестициявий кредитлари келтирилади.

¹⁰ Марказий банк маълумотлари 2012 йил якунлари бўйича.



3-расм. Инвестициявий кредитлар динамикаси (млрд.сўм)¹¹


Банкларнинг инвестиция кредитлари устувор равишда “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш”, “2012 йилги Инвестиция дастури” ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни кўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5 760 млрд. сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий кўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Қуйидаги расмда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори келтирилади.

¹¹ Марказий банк маълумотлари 2012 йил якунлари бўйича.



4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар динамикаси (млрд.сўм) ¹²

Расм маълумотларига қараганимизда 2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

Ҳозирги кунда Республикамиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларини кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. Ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайдилар ва бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин. Бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз

¹² Марказий банк маълумотлари 2012 йил якунлари бўйича.

ставкаларини Марказий банк белгилаб берган мажбурий захира ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қай мақсадга йўналтирилганига қараб гурухланади.

Хусусан, ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент, истеъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ бизда одатдаги қисқа ва узоқ муддатга кредитлаш кўп ҳолларда қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йуқлиги хали иктисодий тизимнинг мукамал ривожланмаганлигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина хатарлар мавжудлиги каби омилларнинг мавжудлигидадир.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.МакНотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди. Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкнинг сотилиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим.

Ҳозирги кунда республикада миллий валюта курсининг чет эл валюталарига нисбатан доимий равишда ўсиб бориш тенденциясини ҳамда баҳоларнинг мунтазам ўсишини инобатга олган ҳолда кредит учун гаров сифатида қабул қилинган мол-мулк баҳосини хар ой ёки хар чорак якунига қайта баҳолашни йўлга қўйиш зарурдир.

Мижозни банк томонидан кредит линияси очиш йули билан кредитлаш орқали кредит риски даражасини сезиларли даражада пасайтириш мумкинлиги бўйича иктисодчи олимларнинг фикрлари мавжуд. Уларнинг фикрига кўра, кредит линияси орқали миждозни кредитлашда компенсацион қолдиқдан фойдаланиш орқали миждозни нисбатан паст фоиз ставкасида

кредитлаш мумкин. Бу эса, кредит рискинни камайишига, кредитни қайтиш эҳтимолини ошишига олиб келади.

Компенсацион қолдиқ халқаро банк амалиётида мижознинг кредит тўлови билан боғлиқ харажатларини камайтириш воситаси сифатида ўзини оқлаган. Уни республикамиз банк амалиётида қўллаш кредит линиясининг мижоз учун қулай кредитлаш шакли сифатидаги аҳамиятини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркиби ва унда кредитнинг ўрни (31 декабр ҳолатига)¹³

Кўрсаткичлар	2007й..	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011й.	2012 й.
Кредит қўйилмалари, млрд.сўм	4557,4	6371,9	8556,8	11539,0	15651,5	20425,2
Банк активлари, млрд. сўм	9276,1	12064,7	15703,1	20740	27453,3	35908,9
Кредит қўйилмаларининг банк активларидаги салмоғи (%)	51,3	52,8	54,5	55,7	57,0	56,8

Мамлакатимиз банк тизимининг активларини таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, кредит қўйилмалари ва банк активлари йилдан йилга ошганлигини кўришимиз мумкин. Кредит қўйилмалари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 4773,7 млрд.сўмга кўпайган бўлса, банк активлари мос равишда 8455,6 млрд.сўмга ошган. Бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади. Кредит қўйилмаларини банк активларидаги салмоғини қарайдиган бўлсак

¹³ www.bpk.uz (Бозор,пул, кредит журнали 2013 й №1 23бет)

беш йил давомида ўсиб келганини кузатишимиз мумкин. Фақатгина 2012 йилда пасайганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳам тижорат банклари учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Халқаро банк амалиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида кредитларнинг ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан салмоғининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, ГАРбий Европа мамлакатларида бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси 42 фоизни, Японияда 64 фоизни, Россияда 17 фоизни ташкил этган.

Кредитлаш амалиётининг тижорат банклари фаолиятида тутган ўрнини баҳолашда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, биз уни қуйида келтириладиган жадвалда кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари ва кредит қўйилмаларининг ЯИМ га нисбатан салмоғи динамикаси¹⁴ (31декабр ҳолатига) (фоизда)

Кўрсаткичлар	2008й.	2009й.	2010й.	2011й	2012й
Тижорат банклари кредитларининг ЯИМ даги улуши	17,3	17,8	18,6	20,5	21,2
Тижорат банклари активларининг ЯИМ даги улуши	32,7	33,0	33,7	35,4	36,9

¹⁴ www.bpk.uz (Бозор, пул, кредит журнали 2013 й №1 23бет)

Юртимиздаги барча тижорат банклари активлари ва кредит кўйилмаларининг ЯИМига нисбатан салмоғи динамикаси бўйича юқоридаги жадвалини таҳлил этганда, тижорат банклари кредитларининг ЯИМдаги улуши ва тижорат банклари активларининг ЯИМдаги улуши йилдан йилга яъни беш йил давомида бу кўрсаткич ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Тижорат банклари кредитларининг ЯИМдаги улуши 2012 йилда 21,2 фоизни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 0,7 фоизга ўсган, банк активларининг ЯИМдаги улуши 1,5 фоизга ўсганлиги ижобий ҳолатдир.

Кредитларнинг аксарият қисми бир - бири билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга жойлаштирилган. Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-хавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган хосил етиштирилмаслиги мумкин. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажара олмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг кайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғланиб қолмаслиги керак. Агар хом-ашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нархда сотиб олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қимматга тушиб кетади ва натижада баҳоларнинг ошиши сабабли маҳсулотга талаб камаяди. Бу ҳам корхоналар олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфели динамикаси
2013 йил 1 январь ҳолатига¹⁵

№	Банк номи	Кредит портфели, млн. сўм	Улуши, %	Ўзгариши	
1	ТИФ Миллий банк	4 619 218,4	26,06%	▲	5,25%
2	ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"	3 401 191,6	19,19%	▲	50,80%
3	ОАТБ "Асака" (ОАО)	1 819 063,7	10,26%	▲	14,53%
4	ОАТБ "Қишлоқ-қурилиш банк"	1 411 197,5	7,96%	▲	55,18%
5	АТИБ "Ипотека-банк"	1 303 221,8	7,35%	▲	42,56%
6	ОАТБ "Агробанк"	1 207 681,2	6,81%	▲	19,96%
7	ДТ Халқ банки	1 062 237,9	5,99%	▲	42,89%
8	ОАТБ "Микрокредитбанк"	438 848,7	2,48%	▲	14,65%
9	ОАТБ "Алоқабанк"	403 926,7	2,28%	▲	32,61%
10	ОАТБ "Ҳамкорбанк"	391 596,3	2,21%	▲	35,18%
11	ОАКБ "Турон банк"	345 241,0	1,95%	▲	27,26%
12	ОАИТБ "Ипак Йўли"	317 671,9	1,79%	▲	23,79%
13	ОАТБ "Капиталбанк"	227 794,7	1,29%	▲	16,57%
14	ОАТБ "Савдогар"	157 982,6	0,89%	▲	23,33%
15	ХОАТБ "Траст Банк"	142 550,5	0,80%	▲	14,61%
16	ОАТБ "Asia Alliance Bank"	100 903,9	0,57%	▲	132,78%
17	ХОАТБ "InFinBank"	86 068,2	0,49%	▲	37,25%
18	ЁАЖ Уз ҚДБ Банк	65 623,2	0,37%	▲	4,66%
19	ХОАТБ "Туркистон"	47 113,7	0,27%	▲	53,73%
20	ОАТБ "Самарқанд"	39 486,5	0,22%	▲	159,07%
21	ХОАТБ "Hi-Tech Bank"	28 549,0	0,16%	▲	5,98%
22	ОАТБ "Кредит-Стандарт"	23 940,2	0,14%	▼	-50,49%
23	ХОАТБ "Универсалбанк"	22 071,0	0,12%	▲	16,69%
24	ХЁАТБ "Orient Finans Bank"	20 718,6	0,12%	▼	-26,77%
25	ХЁАТБ "Давр банк"	19 268,5	0,11%	▲	82,39%
26	ЧОАКБ "Амир банк"	12 775,7	0,07%	▲	19,69%
27	ЁАЖ УТ Банк	4 448,0	0,03%	▲	72,74%
28	ХОАТБ "Равнак банк"	2 906,7	0,02%	▼	-69,98%
29	ЁАЖ RBS O'zbekiston MB	905,9	0,01%	▲	829,80%
30	Банк Садерат	174,6	0,00%	▲	88,76%
	Жами	17 724 378	100,00%	↑	25,44%

¹⁵ Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting»/ Аналитический обзор банковского сектора: №25, февраль 2013 г. 34 с. («Ahbor-Reyting» аналитик кузатувида катнашган 30 тижорат банклари маълумотлари)

Банкларнинг кредит портфели бўйича таҳлил қилганида шунга амин бўламизки, аксарият банкларда кредит портфели ўсганлигини кўришимиз мумкин. Жами кредит портфели эса ўтган йилга нисбатан 25,44 фоизга ошган ва 17724378 млн сўмни ташкил этган. Бунда энг катта улуш ТИФ Миллий банкка тўғри келади ва у 26.06 фоизни ташкил этади. Жами кредит портфелининг 70 фоизга яқини дастлабки тўртта банкка тўғри келади.

Тижорат банклари кредит сиёсатидаги мавжуд қатор камчиликлар, жумладан, кредит портфелини тармоқлар бўйича тақсимлашда кредит лимитларини ўрнатишдаги камчиликлар кредит рискларини ошишига олиб келади.

Тижорат банклари ўзларининг кредит портфели сифатини яхшилаш мақсадида мижозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида мижозларнинг кредитлаш лимитлари билан бир қаторда, кредит рискига учраш даражаси бир хил бўлган мижозлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади.

Кредит кўйилмаларининг географик жиҳатдан йиғилиши таҳлил этилади. Бунинг учун кўйилмалар суммаси банкнинг филиаллари бўйича тақсимлаб чиқилади. Банк кредитларининг умумий суммасида филиалнинг кўйилмалари салмоғи белгилаб олинади. Ўтган ой ва йил бошидагига нисбатан содир бўлган ўзгаришларни билиб олиш лозим. Агар кўйилмалар хажми сезиларли даражада ўсган ёки камайган бўлса, бунинг сабаблари аниқланади. Кўйилмаларнинг ўсиш ёки камайиш суръатлари белгиланади. Навбатдаги вазифа эса кредит портфелини фоиз ставкалари бўйича тақсимлашдир.

Кредит портфелининг тармоқ тузилмаси таҳлил этилади. Бу сиёсатни амалга ошириш учун хар бир ссудага стандарт саноат коди (ССК) тайинланади. Бунга кўшимча тарзда субклассификацияси бўлган муайян

соҳаларнинг ҳам коди бўлади. Жараён батамом компьютерлаштирилган бўлса, ССК лимитлари сараланган бўлса, банк капиталининг умумий суммасидан фоиз ифодасида ҳам, умумий кредит портфели суммасида ҳам, фоиз ифодасида ҳам йиғим мониторингини ўтказиш осонроқ кечади.

Таҳлил чоғида умумий кўйилмаларда ва банк капиталида тармоқларнинг салмоғи ҳисоблаб чиқилади. Кўйилмаларнинг камайиши ёки ўсиш суръатлари аниқланади.

Кредит портфелини мижозларнинг тоифаларига кўра тақсимлаб чиқиш ҳам лозим бўлади. Мижозлар тоифаси (давлат корхоналари, хусусий корхоналар, жисмоний шахслар) бўйича ссуда қарзлари даражаси белгилаб олинади. Дастлаб, банк ссудалари умумий хажмига нисбатан мижозлар тоифалари бўйича кредитларнинг салмоғи ҳисоблаб чиқилади. Уларнинг нечоғли ўсаётгани, ўсишга ёки пасайишга мойиллиги аниқлаб олинади. Шундан кейин эса филиаллар бўйича тақсимланган портфель хусусида ҳам ана шундай юмушлар адо этилади. Филиал бўйича ва умуман банк бўйича кредитнинг ўртача миқдорига, фоиз ставкаларининг ўртача миқдорига эътибор қаратилади.

Бу кўрсаткичлар орасида хизмат кўрсатилаётган ташкилотларни сони, мижозларнинг қайси тоифаси кўпчиликини ташкил этиши, илгари мижозларнинг қандай тоифаларига кредитлар берилгани бор. Агар филиаллар анъанага кўра давлат корхоналари ва йирик компанияларга кредитлар бериб келган бўлиб ва кутилмаганда буларга бериладиган кредитлар хажмини камайтирган бўлса ҳамда айни вақтда хусусий секторга катта-катта суммаларни кредитга бераётган бўлса, бу филиал ишини яна ҳам синчиклаб текшириш зарур. Эҳтимолки, бундан филиал раҳбарияти шахсий фойда кўраётгандир ёки кредитлар берилаётганда ҳокимият томонидан тазиқ ўтказилаётгандир, бу юмушда ҳам мижоз базасининг таркиби ҳисобга олиниши керак.

Шундан кейин кредит портфели таъминот тоифаларига кўра тақсимлаб чиқилади. Ишончли кредитлар салмоғига ва учинчи шахснинг кафиллиги билан берилган кредитларга алоҳида аҳамият берилади. Амалиёт шундан далолат бериб турибдики, мабодо кредит уни қайтаришнинг иккиламчи манбалари эвазига руёбга чиқарилаётган бўлса, кафилчилар ўз мажбуриятларини руйхуш бермай бажарадилар. Агар банк хизмат кўрсатмайдиган учинчи шахс кафил бўлса, айниқса узоқ муддатли кредит берилаётган бўлса, кафилчининг молиявий ҳолати таҳлиliga айниқса эҳтиёткор бўлиш лозимдир.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда унинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилинганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки бу хусусият кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезони ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан биз навбатдаги таҳлилларда тижорат банклари кредит портфелининг тармоқ хусусиятига алоҳида эътибор қаратамиз.

4-жадвал.

Мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфелининг тармоқлар бўйича диверсификацияси (фоизда)¹⁶

Кредитларнинг иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши	12.31.2011	12.31.2012
-саноат	41.38	45.25
-қишлоқ хўжалиги	11.30	9.50
-транспорт ва коммуникация	5.14	4.83
-қурилиш	6.63	6.17
-савдо ва умумий овқатланиш	10.63	9.76
-моддий техника таъминот	3.33	3.11
-коммунал хўжалик	1.36	1.47
-бошқа секторлар	20.24	19.91

¹⁶ " Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting»/ Аналитический обзор банковского сектора: №25, февраль 2012 г. 20 с. («Ahbor-Reyting» аналитик кузатувида катнашган 28 тижорат банклари маълумотлари)

Жадвал маълумотлари таҳлил этилганда мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфелининг тармоқлар бўйича диверсификацияси 2012 йилда берилган кредитларни 45,25 фоизи фақат саноат тармоғига йўналтирилиб 2011 йилга нисбатан 3,фоизга ошган. Аммо бошқа тармоқларда ушбу кўрсаткич камайганлиги салбий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда тижорат банкларини кредит портфели келтирилади.

Кредит портфели бошқармасининг ҳар бир ходими бажариши албатта лозим бўлган битта шарт бор: у кредит портфели таҳлили яқунларига кўра, кредит хатарларини бошқариш бошқармасининг бўлими, бошқарув раҳбари ва зарур бўлиб қолганда, банк Кенгаши учун ҳам изоҳ берувчи ҳисобот (хизмат хати)ни тайёрлашга ўқувли бўлишидир. Худди шу ҳолдагина кредит портфели муваффақиятли таҳлил этилди, деб ишонч билан гапирса бўлади.

Кредит рискларини камайтиришнинг энг самарали йўлларида бири банкнинг кредит ресурсларини йиғиш ва улардан фойдаланиш бўйича диверсификация ўтказишдир.

Банкнинг кредит портфелининг диверсификацияси - бу банкнинг баъзи мижозлардан кўрган зарарларини бошқа мижозлардан кўрган даромад ҳисобидан қоплаш мақсадида банкнинг кредит ресурсларини кам миқдорда кўп сонли мижозлар ўртасида тақсимлашни тушунамиз. Диверсификациялашни уч хил йуналиш бўйича олиб бориш мумкин. Булар портфел, географик ва кредитларни тўлаш муддатига қараб ўтказиладиган диверсификация турларидир. Банкларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш банкнинг кредитларини ҳар хил соҳадаги бир неча мижозлар ўртасида тақсимлашни ўз ичига олади. Диверсификация қилинмаган банк портфели доимо юқори риск билан боғлиқ, бўлади. Шу сабабли тижорат банкларининг активларини шу жумладан кредитларни диверсификациялаш банк фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Кўплаб банклар активлар портфелида активларни фақат бир тармоққа эмас, балки турли тармоқларга кўйишни ўзларига тамойил қилиб олишлари зарур. Агар бир активдан йукотишлар бўлса, банк унчалик катта талафотлар кўрмайди, аксинча банк бир соҳага кўйилган бир неча активи бўйича муоммога учраса, унинг аҳволи анча ёмонлашади. Бундай ҳолларда активлар портфелини диверсификация қилиш тамойили қўлланилиши лозим, чунки пропорционал бўлган, бир активдан ортиқ бўлган активларни молиялаштириш, бирор активга кўйилган маблағдан келган зарарларни бошқаларнинг ижобий натижасидан қоплаш имкониятини беради.

Банклар учун кредит портфелини диверсификациялаш жуда ҳам осон. Юқорида таъкидлаганимиздек кредитни кам суммада турли соҳаларга (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, бизнес, хорижий мижозларга). Жумладан (шаҳар, вилоят, мамлакатларга) турли минтақаларга кредитлар беришга эришиш лозим.

Тижорат банкларининг маълум соҳалар бўйича ихтисослашуви, шу соҳалар бўйича анъанавий кредитлар бериш - диверсификациялаш усулига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли бизнинг амалий шароитимизда ихтисослашган банклар ихтисослашув билан диверсификация ўртасидаги муқобил чегарани танламоқлари, зарур ҳолда улардан бирига ён бермоги лозим. Кредит портфелини диверсификация қилиб борган банклар нефтни кредитлаш бўйича кўрган зарарларни бошқа соҳадан олган фойдаси хисобидан қоплаган.

Бу ҳолда диверсификация сиёсатининг қўлланилмаслиги "муаммоли кредитлар"нинг "муаммоли банклар"га айланишига олиб келган.

Банкнинг кредит сиёсатини ва кредит портфелини таҳлил қилишнинг асосий мақсади - ссуда бўйича асосий қарз ва у бўйича фоизларни ўз вақтида тўлашга эришишдан иборат. Албатта барча кредитлар бўйича маълум бир сабаб билан тўлай олмаслик шароити юзага келиши мумкин. Агар банк

кредитни фақат жуда ишончли: мижозга берадиган бўлса, унинг юқори фойда олиши имконияти қисқариши мумкин. Шу билан бирга агар кредитни тўлаш бўйича муаммолар юзага келса, бу банкка жуда қимматга тушуши мумкин. Шунинг учун биз олдин таъкидлаб ўтганимиздек банкнинг кредит сиёсати эҳтиёткорлик билан банк ресурсларини оқилона жойлаштириши асосида юқори фойда олиш ўртасидаги балансни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик рискинни энг оддий ва арзон усул билан хеджирлашга ёрдам беради. Банк портфелини диверсификациялаш банкнинг ссуда ва депозитлари кенг мижозлар кўламига бўлиб чиқишни англатади.

Қарз беришда диверсификациялаш банкнинг ссуда портфелида абсолют миқдор ёки ялпи тутган салмоқни тўғридан-тўғри чеклашни англатади.

Тижорат банклари кредит рискларини бошқаришни такомиллаштириш муаммоларни кўриб чиққанимизда, банк кредит рискларини олдини олишда банк ходимларининг риск соҳасидаги ҳуқуқий билимларининг юқори бўлиши катта аҳамиятга эканлигини кўрамиз. Бизнинг назаримизда кредит шартномалари, гаров шартномалари ва суғурта шартномаларининг қонуний жихатдан тўғри ва мукамал тўлдирилиши кредит рискининг олдини олишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.


2.2 Тижорат банкларида кредит портфелини жорий ҳолатини сифат жиҳатдан таҳлили

Республикамиздаги тижорат банклари кредит портфелини ўрганадиган бўлсак, аксарият банкларда унинг ҳолати яхшиланиб бораётганини кўришимиз мумкин. Буни ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк ва Агробанк мисолида кўриб чиқамиз.

Банк истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, импортнинг ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва маҳаллийлаштиришга маблағларни самарали тарзда киритиш, банк хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган фаол кредит сиёсатини амалга оширади.


ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк республикадаги энг йирик иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини кредитлаш ва молиялаштиришда иштирок этиб, “Кўнғирот сода заводи”, “Дехқонобод калийли ўғитлар заводи”, “Бухоро ЭТ” ОАЖ, “Сирдарё ЭТ” ОАЖ, “Навоий ТЭТ” ОАЖ, “Тошкент ЭТ” ОАЖ каби бетакрор ва ўта аҳамиятли объектлар ҳамда бошқа объектларни қурилиши, модернизацияси ва замонавий асбоб-ускуналар билан техник қайта жихозланишига кўмаклашади.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2012 йил учун миллий валютада берилган кредитлар-1549,9 млрд. сўмни, шу жумладан қисқа муддатли кредитлар – 1227,8 млрд. сўмни ва узоқ муддатли кредитлар – 322,1 млрд. сўмни ташкил этган ва буни қуйидаги расмдан кўриш мумкин.



5-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг миллий валютада қисқа муддатли кредитлар динамикаси(млрд.сўм)¹⁷


Берилган қисқа муддатли кредитлар динамикасига қарайдиган бўлсак, берилган кредитлар йилдан йилга ошиб 2012 йили қисқа муддатли кредитлар миллий валютада 1227.8 млрд. сўмни ташкил қилган ва 2011 йилга нисбатан 479,9 млрд.сўмга ошган ёки 64,1 фоизга ўсганлиги ижобий ҳолдир.



6-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг миллий валютада узоқ муддатли кредитлар динамикаси(млрд.сўм)¹⁸

¹⁷ ОАТБ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.

Берилган узоқ муддатли кредитлар динамикасига қарайдиган бўлсак, берилган кредитлар йилдан йилга ошиб 2012 йили узоқ муддатли кредитлар миллий валютада 322,1 млрд. сўмни ташкил қилган ва ўтган 2011 йилга нисбатан 110 млрд.сўмга кўпайган.




7-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанки кредит портфелининг динамикаси (млрд.сўм) ¹⁹

Банк кредит портфелининг ҳажми 2013 йил 1 январга келиб 3516 млрд.сўмга етди ва ҳисобот даврининг бошига нисбатан 1204,6 млрд.сўм ёки 52%га кўпайди. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича кредит қўйилмалари қуйидаги расмда келтирилади.

¹⁸ ОАТБ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.


¹⁹ ОАТБ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.



8-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича кредит қўйилмалари 01.012013 йил ҳолатига²⁰

Кредит маблағлари тўлиқ ҳажмда иқтисодиётнинг реал секторга йўналтирилган, шу жумладан саноатга-2611 млрд. сўм, қурилишга – 265,7 млрд. сўм, транспорт ва коммуникацияларга – 341 млрд. сўм, савдога – 121,6 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига – 37 млрд. сўм, турар жой- коммунал хизматларга – 4,7 млрд. сўм, шунингдек бошқа соҳаларга – 135 млрд. сўм сарфланган. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий соҳаларини молиялаштиришда, энг аввало узок муддатли кредитларни ажратиш орқали тижорат банклари орасида фаол иштирок этмоқда. Қуйидаги расмда ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг кредит портфелини таркиби келтирилади.

²⁰ ОАТБ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.




9-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг кредит портфелини таркиби (%да)²¹

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кредит портфелининг таркибини таҳлил этганда, кредит маблағларининг таркибида узоқ муддатли кредитлар улуши 83% ёки 2917 млрд. сўмни, қисқа муддатли кредитларнинг улуши эса – 17% ёки 598 млрд.сўмни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда банк томонидан ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторини фаол қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратди, факторинг хизматларини кўрсатди ва лизинг операцияларини амалга оширди. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2012 йил давомида 124.7 млрд. сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилган, ўтган йилга нисбатан ўсиши 10,4%ни ташкил этди.

Қуйидаги расмда ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2012 йилда амалга оширилиган лизинг операцияларининг портфели иқтисодиёт тармоқлари бўйича келтирилади.

²¹ ОАТБ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.



10-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг лизинг операцияларини портфели иқтисодиёт соҳалари бўйича (%) ²²

Лизинг операцияларининг портфели 2013 йил 1 январга келиб 19,4 млрд. сўмга етган, шу жумладан иқтисодиёт соҳалари бўйича: 2012 йил давомида 5.5 млрд. сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилган, улардан иқтисодиёт соҳалари бўйича: транспорт ва коммуникацияларга – 42%, моддий- техник таъминот ва маиший хизматларга – 20%, қурилишга -5%, қишлоқ хўжалигига – 2% ва бошқа соҳаларга - 31 %ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги № ПҚ-1166-сонли “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини оширишни рағбатлантиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида” Қарорини бажариш мақсадида, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун миллий валютада 275,3 млрд. сўм узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги № ПҚ – 1048-сонли “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи материаллар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

²² ОАТБ “Саноатқурилишбанк”ининг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.


дастури тўғрисида” Карорига мувофиқ, замонавий рақобатбардош экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, соҳа ичи ва соҳалараро саноат коперациясини, шу жумладан кичик бизнес корхоналари ва республиканинг йирик корхоналари ўртасида коперацияни йирик корхоналари ўртасида коперацияни мустаҳкамлаш, 2012 йил давомида узоқ муддатли асосда аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида саноат корхоналирига миллий валютада 29.3 млрд. сўмлик кредитлар берилган.

Шунингдек, Банк иқтисодиётнинг реал сектордаги корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан уларни молиявий қўллаб-қувватлашни амалга оширди. Бу борада ҳисобот йилида экспортёр корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун валютада 565,9 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Республика Ҳукуматининг қарорларига асосан, хизмат кўрсатиладиган Вазирликлар ва идоралар ходимларининг конституциявий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, банк муддат ўтган иш ҳақини тўлаш учун кредитлар берди. 2012 йил давомида берилган кредитларнинг умумий миқдори жами 319,3 млрд. сўмни ташкил этди.


Бундан ташқари, банк хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотларга банк кафолатлари берилди. 2012йил учун миллий валютада берилган кафолатлар 19,5 млрд. сўмни ташкил қилди, жумладан пудрат ташкилотларга тендир савдоларида иштирок этиш ва объектлар қурилишини амалга ошириш учун 11.6 млрд.сўм миқдорида кафолатлар берилган.

Ҳисобот йилида банк ўз ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига, шу жумладан имтиёзли асосда кичик, хусусий корхоналарни кредитлашга оид чора-тадбирларни фаол тарзда амалга оширди.



11-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг йиллар бўйича динамикаси(млн. сўм)²³

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кичик бизнес субъектларига 2012 йилда жами 379,6 млрд.сўмлик кредитлар, шу жумладан 37,7 млрд. сўмлик микрокредитлар берилди. Кредитларнинг умумий миқдоридан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар 293,8 млрд. сўмни, чет эл молиявий институтларнинг кредит линиялари ҳисобидан – 85,8 млрд. сўмни ташкил этди.



12-расм. ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг берилган кредитлар динамикаси(млрд.сўм)²⁴

²³ ОАТБ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.

Кредитлар умумий миқдорида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган микрокредитлар 37,7 млрд.сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, соҳалар бўйича қуйдагича тақсимланган: саноатни ривожлантириш учун – 7,9 млрд.сўм(21%), қишлоқ хўжалигига – 3,4 млрд.сўм(9%), қурулиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига – 8,0 млрд.сўм(21%), айланма маблағларни тўлдиришга – 15,4 млрд.сўм(41%), бошқа соҳаларга – 3,0 млрд.сўм (8%). Берилган микрокредитлар ҳисобига қарийб 2,7 минг янги иш ўринлари яратилди.

Энди кредит портфелини ОАТБ Агробанк мисолида таҳлил қиламиз.

Банкнинг кредит портфели таркибидаги кредитларнинг муддати бўйича таснифланганини куйидаги жадвал асосида кўрамиз.

5-жадвал

ОАТБ “Агробанк”нинг кредит портфелидаги кредитларнинг муддати бўйича таснифланиши (млн, сўм)²⁵

Кўрсаткичлар	2011 йил 1-январ		2012 йил 1-январ		2013 йил 1-январ	
	Сумма млн.сўм	% да	Сумма млн.сўм	% да	Сумма млн.сўм	% да
Кредитлар жами	1 119 270,9	100	1 209 957,8	100	1 311 362,2	100
Қисқа муддатли	416355,0	37,2	496 875,3	41,1	618 951,4	47,2
Узоқ муддатли	702 915,9	62,8	713 082,5	58,9	692 410,9	52,8

²⁴ ОАТБ “Саноатқурилишбанк” нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари 2012й.

²⁵ ОАТБ “Агробанк” нинг 2010-2012 йиллардаги кредит портфелидаги кредитларнинг муддати бўйича таснифланиши тўғрисидаги маълумотлар.

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, ОАТБ Агробанкнинг жами кредитлари таркибида қисқа муддатли кредитлар салмоғи узоқ муддатли кредитларга қараганда йилдан йилга ўсиб борганини кўришимиз мумкин. 2010 йилда узоқ муддатли кредитлар қисқа муддатли кредитларга қараганда 286561,0 млн. сўмга кўп бўлган бўлса, 2011 йилда 216207,2 млн. сўмга 2012 йилда эса 73460,0 млн сўмга кўп эканини кўрамиз. Бу жадвалдан яна узоқ муддатли кредитларнинг фоиздаги улишининг камайиб борган лекин унинг йиллар давомида микдорининг ўсиб борганини кўришимиз мумкин. Бунда 2011 йилда узоқ муддатли кредитлар 2010 йилга қараганда 10166,5 минг сўмга кўпайган бўлсада қисқа муддатли кредитлар ҳам ошган, 2012 йилда эса қисқа муддатли кредитлар ошган, узоқ муддатли кредитлар камайганини кўришимиз мумкин. Бу банкнинг кредит ресурслари таркиби анча мустахкамланиб бораётганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатдаги);
- узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатдаги).

Республикамиз банк амалиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» номли йўриқномасига асосан ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди. Ўз навбатида, ОАТБ «Агробанк»нинг иқтисодиёт тармоқларига берилган кредитлар динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилади.

**ОАТБ “Агробанк”нинг иқтисодиёт тармоқларига берилган
кредитлар динамикаси (млн.сўм).²⁶**

Иқтисодиёт тармоқлари	2011 йил 1-январь		2012 йил 1-январь		2013 йил 1-январь	
	миқдорда	фоизда	миқдорда	фоизда	миқдорда	фоизда
Саноат	162 945,2	15	290 375,4	24	398 698,2	30
Қишлоқ хўжалиги	501 986,7	45	561 965,7	46	569 131,3	43
Тайёрлов корхоналари	10 539,5	1	0	0	0	0
Транспорт ва алоқа	1 347,3	0	4 692,5	0	6 678,6	1
Қурилиш	41 635,6	4	13 132,5	1%	6 571,9	1
Савдо (ички) умумий овқатланиш корхоналар	73 174	7	69 874,8	6	71 729,9	5
Моддий-техника таъминот	192 154,4	17	192 175,8	16	149 581,1	11
Уй-жой коммунал хизматлар	0	0	15,8	0	108,7	0
Маиший хизмат	5 392,5	0	8 931	1	20 713,3	2
Ташқи савдо	0	0	0	0	0	0
Бошқа тармоқлар	130 095,6	12	68 794,3	6	88 149,3	7
Жами:Барча кредитлар	1 119 270,9	100	1 209 957,8	100	1 311 362,2	100
<i>Минус: Кўрилиши мумкин зарарлар захираси</i>	12 526,8	1.12	21 987,3	1.81	15 520,4	1.18
Захирани инобатга олган ҳолда барча кредитлар	1 106 744,1	98.88	1 187 970,5	98.19	1 295 841,9	92.82

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, ОАТБ “Агробанк” кредит портфелида саноат, қишлоқ хўжалиги ва моддий-техник таъминот корхоналарга берилган кредитлар юқори салмоқни эгаллайди. 2010 йилда банк томонидан берилган кредитларнинг 45 фоизини қишлоқ хўжалигига

²⁶ ОАТБ “Агробанк”нинг 2010-2012 йиллардаги йиллик молиявий ҳисоботлар асосида ҳисобланди.

тўпланганлиги салбий ҳолат ҳисобланади ва банк кредит портфелининг диверсификациясини паст эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат кейинги йилларда унчалик ўзгармаган масалан 2011 йилга келиб банкнинг кредит портфелида қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган кредитлар 46 фоиз бўлган, 2012 йилда эса 43 фоиз бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг ҳисобига бошқа тармоқларга ажратилган кредитлар: қурилишга 4 фоизда 2 фоизга, савдо ва умумқатланиш корхоналарига 7фоиздан 5 фоизга пасайганлигини кўриш мумкин. Транспорт ва алоқага, тайёрлов корхоналарига ва маиший хизматга деярли ажратилмаган. Бу эса яна кредит портфели диверсификацияси пастлигини кўрсатади.

Умуман олганда тижорат банклари кредит сиёсатидаги мавжуд қатор камчиликлар, жумладан, кредит портфелини тармоқлар бўйича тақсимлашда кредит лимитларини ўрнатишдаги камчиликлар кредит рискларини ошишига олиб келади. Таҳлил қилинган амалий маълумотлар кредитлаш жараёнида тармоқ лимитларини ўрнатиш жараёнини такомиллаштиришни зарурлигини кўрсатади. Банклар тармоқ лимитини аниқлаш масаласига турлича ёндошадилар. Лекин уларнинг амалиётда қўллаётган лимитлари, умумий мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Тармоқ лимитлари.
2. Битта мижозни кредитлаш лимитлари.

Тижорат банклари ўзларининг кредит портфелининг сифатини яхшилаш мақсадида мижозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида мижозларнинг кредитлаш лимитлари билан бир қаторда, кредит рискига учраш даражаси бир хил бўлган мижозлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади. Бу лимитлар битта тармоққа мансуб корхоналарга банкни боғлиқ бўлиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Амалиётдан маълумки,

айрим тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси маълум бир вақт оралиғида юқориликча қолади, айни вақтда, бошқа тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси анча паст бўлади. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги, Авиация саноати корхоналарининг рентабеллик даражаси паст. Бундай тармоқ корхоналарида банк кредитларининг юқори даражада тўпланиши банкларга сезиларли зарар келтириши мумкин.

Тармоқ лимитларини белгилашда таҳлил қилинаётган тармоқнинг жорий ҳолатини, ривожланиш истиқболларини, технологик ўзгаришларининг барқарорлик даражасини, тармоқда асосий харажат турларининг ўзгариши каби ҳолатларни баҳолаш зарур.

Тармоқ рискларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда банклар ссудаларини беришда юзага келадиган, юқорида таъкидланган рискларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур. Бундай таҳлил натижасида ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун тегишли тизим қабул қилинади.

Таъсир қилувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш асосида тармоқ учун рискнинг умумий рейтинги аниқланади. Тармоқ рискининг лимитини белгиланган ссуда суммасига нисбатан мутлақ суммада ёки маълум фоизда белгилаб кўйиш лозим. Масалан банк кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқ ёки соҳага тўпланиб қолишига йўл кўймаслиги керак;

Тармоқ рискини аниқлагандан сўнг банк тармоқ лимитлари асосида кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкнинг битта мижозга нисбатан кредитлаш лимитини аниқлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши шарт деб ҳисоблаймиз.

- мижоз корхона раҳбарининг репутацияси;

- миждознинг активлари ва пассивларининг таркиби;
- миждознинг молиявий барқарорлиги;
- миждоз корхонанинг ривожланиш истиқболлари;
- банкнинг миждоз билан ўзаро муносабатлари;
- миллий иқтисодиётнинг умумий жорий ҳолати;
- марказий банкнинг тижорат банкларини кредитлаш амалиётига нисбатан қўйган директив талаблари.

Тижорат банклари битта миждозга нисбатан белгиланадиган кредитлаш лимитларини миждозга кўрсатиладиган хизмат турига боғлиқ равишда белгилашлари ҳам мумкин. Чунки, улар битта миждознинг ўзига бир-неча турдаги банк хизматларини кўрсатади. Бунда кредитлаш лимитларини ҳар бир кредит тури бўйича белгилаш мумкин ёки бу лимитларни битта умумий лимит сифатида белгилаш ҳам мумкин. Ҳар бир кредит тури бўйича алоҳида лимит ўрнатилганда лимитларни турли амалиёт бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш тизими жорий этилади.

Бундай тизим банкка айрим амалиёт бўлинмалари кредитлаш лимитларини ишлатиб бўлган тақдирда ҳам кредит амалиётларини давом эттириш имконини беради. Лекин бўлинмалар бўйича лимитнинг умумий миқдори танланмаган.

Банкнинг кредит портфелидаги берилган кредитларнинг миждозлар турлари бўйича 7-жадвал маълумотлари асосида кўрамиз.

**ОАТБ “Агробанк” нинг мижоз турлари бўйича берилган кредитлар
йиллар бўйича динамикаси (млн.сўм).²⁷**

Мижоз турлари	2011 йил 1-январь		2012 йил 1-январь		2013 йил 1-январь	
	миқдорда	фоизда	миқдорда	фоизда	миқдорда	фоизда
Бошқа банклар	0	0	0	0	0	0
Хукумат	0	0	0	0	0	0
Бюджет ташкилотлар	31 490,7	3	28 200,4	2	17 876,3	1
Жисмоний шахс	56 355,1	5	54 920,4	5	102 687,7	8
Якка тадбиркорлар	24 974,1	2	24 406,6	2	0	0
Давлат корхоналари	245 533,8	22	272 543,5	23	334 557,4	26
Чет эл капитали иштирокидаги корх.	14 824,6	1	12 361,2	1	13 383	1
Нодавлат нотижорат ташкилотлари	103,9	0	92,3	0	23,7	0
Хусусий корх.,ўртоқлик жамият.	548 442,4	49	577 309,4	48	612 637,9	47
Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириши учун	186 968,6	17	212 011,4	18	218 616,9	17
Банкдан ташқари молия институтлар	107,3	0	0	0	0	0
Молиявий лизинг	1 149,8	0	649	0	1 473,6	0
Факторинг	9 320,7	1	27 463,5	2	10 105,8	1
Жами: барча кредитлар	1 119 270,9	100	1 209 957,8	100	1 311 362,2	100
Минус: Кўрилиши мумкин зарарлар захираси	12 526 826		21 987,3		15 520,6	
Захирани инobatга олган ҳолда барча кредитлар	1 106 744,1	100	1 187 970,4	100	1 295 841,9	100

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, ОАТБ Агробанк томонидан мижоз турлари бўйича 2013 йил 1 январь ҳолатига давлат корхоналарига 26 фоиз, хусусий корхона ва ўртоқлик жамиятларига 47 фоиз, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғаллани

²⁷ ОАТБ “Агробанк”нинг 2010-2012 йиллардаги кредит портфели маълумотлари асосида ҳисобланган.

етиштириш учун 17 фоиз ҳамда жисмоний шахсларга 8 фоиз ҳисобида кредитлар берилган.

Ўз навбатида ОАТБ Агробанк томонидан 2012 йил 1 январь ҳолатига таҳлил этилганда хусусий корхоналар ва ўртоқлик жамиятларига берилган кредитлар 2013 йил 1 январь ҳолатига 1 фоизга камайган. Давлат корхоналари ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар мос равишда 3 фоизга кўпайган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб этганда, ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк ва ОАТБ Агробанк томонидан берилган кредитлар устидан мунтазам равишда назорат ишлари олиб борилган.

Шу ўринда, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таснифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири муддати ўтган кредитларнинг бурутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 фоиздан ошса, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини сезиларли даражада пасайганлигидан далолат беради. Юқорида таҳлил этилган банкларнинг ушбу кўрсаткичи белгиланган меъёрдан ошмаганлиги ижобий ҳолатдир.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш муҳим аҳамиятга эга хисобланади, чунки кредит операциялари банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди. Шундан келиб чиқиб, банк даромадининг асосий қисмини кредит операцияларидан келадиган даромад ташкил этади. Банк кредит портфелини бошқаришни сифатли ташкил этиш кредит рискинни камайтиришга хизмат қилади.

Юқоридаги саволларга айтиб ўтганимиздек, банк кредит портфелини бошқариш тартиби банк кредит сиёсати орқали белгиланади. Ҳар бир банк ўз сиёсатидан келиб чиққан ҳолда кредит портфелини бошқаради, аммо шунга қарамай тижорат банк кредит портфелини бошқаришнинг умумий мезонларини кўриб чиқиш мумкин.

Маълумки ҳозирги даврда тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари сифатида қуйдагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- кредит рисқи даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- ссудаларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш;
- кредит портфелини кредит рисклари, мижозлар таркиби ва ссудалар таркиби бўйича оптималлаштириш;
- қарз олувчини кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволининг, кредит рискинни прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш;

- яратилаётган захиранинг етарлигини баҳолаш ва уни ўз вақтида тўғрилаб бориш;

- кредит кўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлаш;

- банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифати тахлилига асосланган ҳолда тўғрилаб бориш.

Кредит сиёсатида банкларнинг кредитлаш функцияларини амалга оширишлари учун зарур бўлган асосий қоидалар ўз аксини топади. Бу қоидалар асосида кредит турлари, улар бериладиган соҳалар ва кредитлаш жараёнини ташкил этиш тартиблари аниқланади. Кредит сиёсатининг асосий мақсадлари:

- кредитнинг турлари, шунингдек банк кредитини кимга ва қандай шартлар асосида беришини аниқлаб олиш;

- кредитлар, депозитлар, бошқа мажбуриятлар ва банкнинг ўз сармояси ўртасидаги энг мақбул муносибликни ушлаб туришдан иборат.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш банкларнинг иқтисодиётдаги мураккаб ва ўзгариб турувчи шарт - шaroитларга мослашиши учун жуда ҳам муҳим.

Одатда, кредит сиёсати банкнинг кредит бўлими ходимлари учун услубий кўрсатмаларга эга бўлган қўлланма шаклида тузиб чиқилади.

Кредит сиёсати бўйича қўлланма:

- банк томонидан бериладиган ссудаларнинг турлари ва улар хақида аниқ терминологик тушунчаларни;

- банкнинг кредит рисклари соҳасидаги стратегиясини, уларнинг чегараларини ҳамда бошқарув тамойилларини;

- кредит бериш тамойилларини;

- кредит ишлари бўйича жавобгар бўлган кредит кўмитаси ёки иқтисодчилар таркиби ва мажбуриятларини;

- кредитга оид хужжатларни ўз ичига олади.

Кредит жараёнини ташкил этиш тартиблари қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

- кредит олиш учун тушган аризани қабул қилиш ва уни ўрганиб чиқиш;
- кредитни таҳлил қилиш жараёни бошқа банклар ҳамда етказиб берувчилар билан кредит ҳақида ахборот алмашинуви;
- кредит шартномасини тайёрлаш ва кредит хужжатларини расмийлаштириш;
- кредит бериш;
- кредитни назорат қилиш;
- кредитни сўндириш ва кредит ишини ёпиш.

Тижорат банки кредит портфелини бошқариш rischi бошқариш билан узвий боғлиқдир. Банк riskларини бошқариш тамойилларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Risk чегараларини аниқлаш ва баҳолаш - зарар келтириши мумкин бўлган манбаларни ёки riskли ҳолатларни аниқлаш, riskни ўлчаш, келажакда рўй бериши мумкин бўлган riskларни прогноз қилиш;
- Riskлар устидан назорат ўрнатиш - банк хизматлари ва барча бўлинмалари бўйича riskни назорат қилишни мувофиқлаштириш, riskни камайтиришни иқтисодий рағбатлантириш, мониторинг ва riskни бошқариш тартибларининг самарадорлигини ошириш;
- Riskни молиялаш - мавжуд бўлган захиралардан фойдаланиш, "фавқулодда ҳолатлар" стратегиясини сақлаш, банкнинг хизматлари ва барча тизимлари бўйича riskларни молиялашга кетадиган харажатлари учун маблағ ажратиш;

- Менежмент рискларини бошқариш - раҳбарларнинг масъуллиги ва мажбуриятлари, рискни бошқариш сиёсати ва тузилишининг аниқлиги, мақсад ва вазифалари, рискларни назорат қилиш сиёсатида "Ўзаро" банк алоқаларини ўрнатиш.

Рискларни бошқаришда бешта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Прогноз (башорат) қилиш;
- Таҳлил;
- Тартибга солиш;
- Кузатиб бориш;
- Назорат қилиш.

Рискларни бошқаришда кредит рискинни бошқариш ва кредит таъминоти бўлими ўзига хос роль ўйнайди ва қуйидаги функцияларни бажаради:

- кредитлар рейтинги сиёсатини ишлаб чиқиш ва мониторинг ҳамда кредитлар ҳолатини қайта баҳолаш;
- янги кредитлар олиш учун меъёрларни ишлаб чиқиш;
- кредитлар бериш бўйича жавобгарликни тақсимлаш;
- ссудаларга мижоз фаолият кўрсатадиган тармоқ, ҳудуд ва бизнес турига қараб чекловлар ва лимитларни белгилаш;
- кредит портфели рискинни мунтазам баҳолаш;
- барча ссудалар кузатуви сиёсатини, шунингдек, ишончсиз ссудаларни қайтариш механизминини ишлаб чиқиш;
- музлатилган кредитлар ва тўланмаган ссудаларни сўндириш сиёсатини ишлаб чиқиш;
- кредитлар ва кредит гарови ҳамда кафолатларини расмийлаштиришга қаратилган меъёрларни ишлаб чиқиш;

- кредит беришни маъқуллаш амалиёти ва фоиз сиёсатини, шунингдек юридик ва ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш;

- кредит портфелини кенгайтириш ёки қисқартириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг тадбиқ этилишини назорат қилиш.

Кредит рисклари соҳасидаги банк менежментининг самарадорлиги тўғрисида қуйидаги омилларга қараб хулоса чиқариш мумкин:

- таснифланган ссудалар ва рискнинг 1, 2, 3 ва 4 гуруҳларига бўлинувчи махсус классификацияларининг динамикаси;

- шубхали, умидсиз, қайта расмийлаштирилган ёки муддати узайтирилган кредитлар динамикаси;

- кредит портфелида муддати узайтирилган фоизлар ва кредитларнинг улуши;

- фоиз тўланмайдиган ссудаларнинг ҳажми ва тузилиши;

- йирик кредитлар ҳажми;

- ссуда маъмурияти ишларининг самарадорлиги, яъни муддати узайтирилган ссудаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳажми, қўлланиладиган таҳлил тизими ҳамда юритилаётган сиёсатнинг ўзига ҳосилилиги.

Кредит rischi соҳасидаги кредит портфели менежменти қуйидагиларни назарда тутди:

I. Рискларни етарлича қоплаш ва тақсимлаш;

II. Вазифаларни аниқ белгилаб олиш;

- Ваколатлар тақсимланишининг аниқ тизими;

- Сифатли кредит ҳужжатлари;

V. Рискларни сезгирлик билан кузатиб туриш;

VI. Бошқарувнинг тўлиқ ахборот ва назорат тизими;

VII. Кредитларнинг қайтарилмаслик муаммолари билан шуғулланувчи хизмат ишининг самарадорлиги.

Рискларни тақсимлаш.

Банкнинг кредит портфели шундай диверсификация қилинган бўлиши лозимки, бунда бирор бир мижознинг, мижозлар гуруҳининг ёки маълум бир тармоқдаги мижозларнинг ночор ҳолатга тушиб қолишлари банк фаолияти учун хавф туғдирмаслиги керак.

Маълум бир минтақа, давлат ёки қитъадаги иқтисодий ёки сиёсий қийинчиликлар шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган банкларнинг тўлов қобилиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу рискни фаолиятининг сезиларли қисми ривожланаётган мамлакатлар билан боғланган банклар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу мамлакатларнинг ўз қарзларини тўлашга лаёқатсизлиги баъзи банкларни, жумладан йирик банкларни ҳам мураккаб аҳволга солиб қўяди. Чунки, банклар маблағларининг маълум қисмини захираларни яратишга сарфлашларига тўғри келади.

Рискларни қоплаш.

Мижозларнинг банкротлиги билан боғлиқ бўладиган рискларга қарши тура олиш учун ҳар бир банк етарли миқдорда ўз маблағларига эга бўлиши керак. Бу нарса уларга юзага келадиган зарарларни қоплай олиш ва тўлов лаёқатини сақлаб қолиш имкониятини яратади. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолда банк мижозларининг депозитларидан фойдаланади. Агар депозитларни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун амалда бўлмаса, тижорат банклари кредит рискларини қоплаш учун етарлича реал захираларни яратиш бўйича чора-тадбирлар қўллайдилар.

Банк раҳбарияти кредит соҳасидаги ўз сиёсатини аниқ белгилаб олиши ҳамда бир ва бир неча йилга мўлжалланган режалар доирасида ўз мақсадларини аниқлаб олиши шарт. Бу сиёсат маълум бир талабларга жавоб бериши ҳамда рисклар сифатида таалуқли тижорат соҳасидаги вазифаларни белгилаб олишда, шунингдек воситаларни танлаб олишда муҳим роль ўйнаши керак.

Тижорат мақсадлари.

Банк алоқада бўлишни истаган мижозлар категориялари мижозларнинг хозирдаги ва башорат қилинаётган қувватларини ҳамда уларни бозорга тадбиқ қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Сон ва сифат вазифалари белгиланиши ва уларни амалга ошириш учун маблағлар яратилиши керак. Агар зарурат туғилса, вазифаларни фаолият секторлари бўйича, географик худудлар бўйича ҳамда мамлакатлар бўйича белгилаб олиш мумкин.

Рисклар сифатини аниқлаш.

Рисклар сифати кўрсаткичларини аниқлаб олиш мижознинг банкротлиги оқибатида юзага келадиган зарарларни чеклаш учун жуда ҳам муҳим. Рискларни сон кўринишида ифодалаш учун баҳолаш, шунингдек ташқи ёки ички "рейтинглаш" тизимини амалга киритиш фойдалидир. Бу нарсани хорижий банклар анча вақтдан бери амалиётда қўллаб келмоқдалар. Бу тизимга кўра, ҳар бир мижозга унинг молиявий аҳволини, акциядорларнинг таркибини, раҳбариятни ва боиқаларни ҳисобга олган ҳолда кредит баҳоси берилади.

Бу тизим ҳар томонлама қулайдир. Албатта, мижоз билан муносабат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилиш асосан, унинг рейтингига боғлиқ бўлади. Бунда рейтинг ўзгариб турувчи кўрсаткич эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Агар ахборот тизими имкон берса, ахборот ҳақиқатга мос келадиган бўлса, унда ҳар бир мижоз бўйича рейтинг тўғрисида йиғилган ахборот жорий кредитларни уларни баҳолари бўйича таснифлаш имкониятини беради. Бу эса, муҳим маълумот ҳисобланади. Бу маълумот банкнинг кредит портфели сифати ўзгаришини баҳолаш ва банк фаолиятини яхшилаш учун унинг олдида турган мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини яратади.

Рентабеллик (самарадорлик) масалалари.

Кредит фаолияти банкнинг рентабеллигини аниқлаб беради. Яхши рентабеллик (кўпинча бу катта риск билан боғлиқ бўлади) ва рискларнинг яхши сифати (бу асосан паст рентабеллик билан боғлиқ) ўртасидаги мувозанатга эришиш анча мушкул ишдир. Банк кредит сиёсати бу икки "сув ости тошлари"га қоқилиб кетмаслик учун амал қилиниши лозим бўлган меъёрларни аниқ кўрсатиб бериши шарт.

Самарали қарор қабул қилиш нуқтаи назаридан олиб қараганда, барча кредитларни бериш тўғрисидаги қарор битта шахс ёки битта орган томонидан қабул қилиниши мумкин эмас. Хатто ўртача катталиқдаги банкларда ҳам, бундай марказлашув тезда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки бунда қарор қабул қилиш жараёни мураккаб ва секин кечади. Шу сабабли, бу жараённи номарказлашуви зарурияти келиб чиқади. Ва аксинча, хавфсизлик нуқтаи назаридан бу ҳуқуқни жуда кўпчилик шахсларга ҳам топшириб бўлмайди.

Кредитни бериш, уни купайтириш, камайтириш ёки инкор қилиш тўғрисидаги қарор кредит пакетиға қараб қабул қилинади. Шундай қилиб, кредит пакетининг сифати ижобий қарор чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Кредит пакети мазмун жихатидан ҳам, шакл жихатидан ҳам сифатли бўлиши керак.

Мазмундорлик.

Бунга, аввало, кредитни бериш, уни кўпайтириш, камайтириш ёки уни рад қилишга асос бўладиган қарорни қабул қилиш учун лозим бўладиган қуйидаги ҳужжатлар киради:

- Мижоз молиявий ҳолатининг таҳлили;
- Мижоз фаолияти тўғрисидаги иқтисодий ахборот;
- Акциядорлар ва раҳбарлар тўғрисида ахборот;

- Кредит шартларининг ўзгарганлиги ёки унинг қайта тикланганлиги тўғрисида умумлаштирувчи хат;
- Мижоз ҳисобварақларидаги ҳолат, тўланмаган тўловлар ва рентабеллик;
- Тўланган фоизлар ва кредит рискларини қоплаш учун яратилган захиралар тўғрисида бухгалтерия томонидан берилган кўрсатма.

Бу ҳужжатлар тўплами кредит пакети билан танишиб чиқаётган одамда миждознинг тармоқдаги ва молиявий аҳволи жиддий ўрганиб чиқилгандан кейингина кредит берилганлиги, ўзгарганлиги ёки қайта тикланганлигига ишонч туғдириши керак. Бундан ташқари, кредит пакети доимий тўлдириб борилиши ва корхонада қийинчилик пайдо бўлаётганини кўрсатувчи белгилар пайдо бўлиб қолганда, унга тезлик билан чора кўриш имкониятини ҳам ўзида акс эттириши лозим.

Сифатли шакл.

Кредит пакети маълум стандарт асосида тузиб чиқилган бўлиши ва аниқ ишлаб чиқилган тизимга эга бўлиши лозим, токи унда миждозга тегишли турли ҳужжатларни батартиб жойлаштириш имкони бўлсин.

Кредит пакети шундай тузилиши керакки, ундан фойдаланувчи шахс ўзига керакли маълумот ва ҳужжатларни ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан топа олсин. Бу айтиб бериш миждоз учун бевосита жавобгар бўлган кредит ходимининг йўқлигида ёки жавобгар шахс ўзгарганида айтиб бериш, муҳимдир. Бу эса унга тезда қарор қабул қилишга имкон беради.

Кредит шартномасини тузиб, маблағларни миждоз ихтиёрига бериш ҳали кредит операциясининг тугалланганлигини билдирмайди. Жумладан, бу корхоналарга бериладиган қисқа муддатли кредитларга ҳам тегишлидир. Доимий кузатувни амалга ошириб бориш зарур, бу эса кредитни бериш ҳақида қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган фикрларни қайта кўриб чиқишга ундовчи унсурларни аниқлашга имкон беради. Бу унсурларни

аниқлаш тезлиги ва банкнинг аниқ чора кўриш тезлиги, мижозларнинг банкротлиги ҳолларида кўриладиган зарарларни бирмунча чегаралашга имкон берувчи факторлар ҳисобланади.

Бунинг учун қуйидаги тартибга риоя қилиниши керак:

- Мижоз ҳолатини кузатиб бориш учун жавобгарлик;
- Бошқариш учун яхши ахборот тизимига эга бўлиш;
- Кредитни ортиб боришини кузатиб бориш;
- Тўланмаган тўловларни назорат қилиш;
- Маблағлар ҳаракати устидан назорат қилиш;
- Кредит таъминотини кузатиб бориш;
- Мижоз ҳолатини кузатиб бориш;
- Кредит пакетини тез-тез кўриб чиқиш.
- Мижоз ҳолатини кузатиб бориш учун жавобгарлик.

Ҳар бир мижоз бўйича унинг ҳисобрақамини бошқарадиган масъул хизматчи тайинланиши керак. Жавобгарликнинг йуқолиши зарарларни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади.

Бошқариш учун яхши ахборот тизими.

Мижоз томонидан олинган барча кредитлар тўғрисида ҳар куни маълумот олиш имкониятини яратадиган яхши ахборот тизими жуда ҳам зарур. Маълумотлар барча ўзгаришларни ўз ичига олиши лозим. Одатда, "рисklar ҳолати" деб аталувчи бундай ахборот мижознинг ҳолати тўғрисида аниқ тасаввурларни ҳосил қилади.

Кредитни ошиб кетиши устидан назорат.

Кредит бериш ҳақида қарор қабул қилиш тизими каби кредит суммасининг ошиб кетишига рухсат бериш тизимини яратиш зарур. Ҳар бир орган кредитларнинг маълум чегарагача ошиб кетишини ўз ваколати доирасидагина ҳал қилиши мумкин.

Бу тизим кузатилган кредитни марказлашган ёки минтақавий даражада назорат қила оладиган ва бу ошиб кетишларни бартараф эта оладиган бўлиши керак. Кредит суммасининг ошиб кетишига сабаблар турлича бўлиши мумкин, уларни эса назорат қилиш жуда муҳим. Бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- Молиялаштиришга бўлган эҳтиёжнинг нотўғри баҳоланиши;
- Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларнинг ўсишига олиб келадиган оборотнинг ошиши;
- Муваккат ёки мавсумий қийинчиликлар. Масалан, баъзи мижозлар томонидан тўловларнинг тутиб қолиниши ёки махсулотларнинг сотилмай йиғилиб қолиши;
- Иш фаоллигининг пасайиши, ишлар ҳолатининг ёмонлашуви ёки йирик мижоз корхоналарнинг банкротлиги билан боғлиқ зарарлар.

Агар юқоридаги биринчи учта сабаблардан бирортаси аниқланса, бу кредитни қайта кўриб чиқиш учун сабаб бўла олади. Агар зарурат туғилса, ссуда суммаси кафолатлар ёки гаров миқдорининг мувофиқ равишда ўзгартирилиши билан бирга вақтинча ёки умуман оширилиши мумкин. Шунингдек, банк ўз мижозини қўшимча маблағларни жалб қилиш учун бошқа банкларга мурожаат қилишга ҳам кўндириши мумкин.

Охирги сабаб, анча жиддий бўлиб, у мижоз корхонани банкротликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда банкнинг роли анча нозик. Кредит беришни тўхтатиш ёки унинг суммасини чеклаш мижознинг банкрот бўлишини тезлатиши мумкин. Кредитни аввалги ҳолатича бериб туриш ва хатто уни ошириш корхонани сунъий равишда ушлаб туришга ёрдам бериши мумкин. Бу эса кейинчалик жиддий зараларни келтириб чиқаради.

Хулоса

Республикамизда банк тизимининг узлуксиз ривожланиши иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали ташкил этиш учун банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг даромадлилигини ошириш, ушбу операцияларни амалга оширишда қилинаётган харажатларни камайтириш ва шу асосда банк фойдасини кўпайтириш йулларини топишни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали фаолият кўрсатувчи банк тизимини яратиш масаласи мамлакатимизнинг мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ ҳукумат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди. Натижада иқтисодиётимизнинг бошқа жабхаларида бўлгани каби, банк соҳасида ҳам катта ижобий ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, банкларнинг жойлардаги филиаллари ва минибанклари сони, шунингдек банк хизматлари турлари кўпаймоқда. Буларнинг хаммаси юртимизнинг олис туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг узоғини якин қилишга, уларнинг банк хизматларига бўлган талабларини тезкор ва сифатли қондирилишига хизмат қилмоқда.

Ўтган йили республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПК,-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” ҳамда Ҳукуматнинг банк тизимида оид қарор ва дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, депозит базасини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг активлари сифати, улар фаолиятидаги таваккалчиликлар, айниқса кредит таваккалчилигини бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш;
- банк назоратини халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;
- республика тижорат банклари ва банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш;
- иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизмини янада соддалаштириш ва уларга ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш, авваламбор, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар беришни рағбатлантириш;
- банк қонунчилигини, жумладан, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш;
- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит операцияларининг самарадорлиги

тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Кредит операциялари самарадорлиги эса, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади.

Тижорат банкининг кредит сиёсатида белгиланган кредит портфелини бошқаришнинг асосий йуналишлари:

- Кредит рисклари даражасига таъсир кўўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф қилиш;
- Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш, кредит рискинни бартараф қилиш;
- Муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- Кредит кўйилмаларни диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлаш;
- Кредит олган мижоз билан доимий алоқада бўлиб туриш;

Кредит портфелининг мохиятини очиб беришда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур:

1 .Кредитлар бўйича риск даражаси;

- Кредит бериш объектлари;
- Кредитдан фойдаланиш муддати;
- Кредитнинг хажми ва таъминланганлиги;
- Мижознинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар.
- Ушбу омилларни инобатга олинмаслиги тижорат банклари кредит

портфелида муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида кредит операциялари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишда муаммоларнинг мавжудлиги.

- Республикамизнинг йирик тижорат банкларида муаммоли ссудаларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденциясига эга бўлаётгани.

- Республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланиш муаммоси.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимиз томонидан банк тизимида берилаётган эътибор туфайли аксарият тижорат банкларининг кредит портфели таркиби ва унинг сифати даражаси белгиланган талабларга жавоб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. Т. “Ўзбекистон” 2009.

2.Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Т. “Ўзбекистон” 2009.

3.Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни, 2005 йил 25 апрел. Халқ сўзи 2005 йил 26 апрель.

4.Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни. Т. “Ўзбекистон” 2006.

5.Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами.Т.Ўзбекистон 2011 й. 448 б.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.“Халқ сўзи” газетаси. 29.11.2008 й.

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4058 “Халқ сўзи” газетаси 29.11.2008 й.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007 йил 7 ноябрь, ПҚ-726. “Халқ сўзи” газетаси. 08.11.2007 й.

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк пластик карточкаларидан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2010 йил 19 апрель. №ПҚ-1325. “Халқ сўзи” газетаси. 09.10.2008 й.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ- 1317-сонли “ Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисида” 2011 йил 7 февраль, ПҚ-1474-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон билан тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом.

14.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 242-сон билан тасдиқланган “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби.

15.Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари .Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

16.Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010. - 80 б

17.Каримов И.А. ”Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятнинг демократлаштириш ва яхшилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир”. Т.: Ўзбекистон, 2005 йил 85 б.

18.Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.

19.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

20.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон. 2011

21.Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Т. : “Ўзбекистон” 2013й.

22.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002.-187 б.

23.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. - Тошкент: Молия, 2003. -320 б.

24.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007. —347 б.

25.Абдуллаева Ш.З., Сафарова З.Б. “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”. Т: “Iqtisod-Moliya”.2007. -200 б.

- 26.Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.
- 27.Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув кўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.
- 28.Банковское дело.Учеб. Белоглазова Г.Н.,Кроливецкая Л. М. “Юрайт-Издат” 2012 422 с.
- 29.Банковские операции. учебник. МартыненкоН.Н. М:”Юрайт-Издат” 2012 544 с.
- 30.Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.-ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 2001.-с.75
31. Деньги, кредит, банки. учебник. Болвачев А.И., Богачева М.Ю., ИНФРА-М 2012 591с.
- 32.Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки./ - Б.М.: М.:КНОРУС, 2010. - 558 с.
- 33.Лаврушин О.И. Банковское дело: Учебник. - 9-е изд., перераб. и доп. М.: Финансы и статистика, 2010. - 672 с.
- 34.Саттаров О. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. -Т.: "EXTREMUM PRESS". 2010 й. - 102 б.
- 35.Саттаров О., Бекназаров Э. Тижорат банкларида ГЭП ва уни бошқариш. Монография. -Т.: "EXTREMUM PRESS". 2011 й. - 82 б.
36. Холмуродов Н. Кредит рискларини камайтириш муаммолари.Бозор пул ва кредит», 2007. № 3.
- 37.Қодиров А. Кредит бериш механизмини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2004. - №6.
- 38.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг 2006-2012 йиллардаги хисобот маълумотлари.
39. Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting»/ Аналитический обзор банковского сектора: №25, февраль 2013 г. 34 с.

40.Интернет сайтлари :

<http://www.cbu.uz/> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

<http://www.finance.uz/>(ахборот-иқтисодий портали молия, банк, инвестиция, савдо, иқтисодиёт соҳаларида юз бераётган иқтисодий жараёнларга ихтисослашган профиль интернет)

<http://www.thebanker.com/>

www.agrobank.uz (“Агробанк” ОАТБ нинг расмий сайти)

www.uzpsb.uz (“Ўзсаноатқурилиш банк” ОАТБ расмий сайти)

www.bpk.uz (Бозор,пул, кредит журналининг расмий сайти)

www.ipotekabank.uz (“Ипотека банк” АТИБ нинг расмий сайти)